



O'zMTDP — www

# MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси



№ 46-47 (1045) 2019 йил 4 декабрь, чоршанба  
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган Адади 25020

4 ТАЪЛИМДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ХАТО БИЗНИ ФАРОВОНЛИКДАН УЗОҚЛАШТИРАДИ

2 САЙЛОВЧИ НИМАНИ КУТЯПТИ?

2 УЗЛУКСИЗ ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ БУГУНГИ ДАВР ТАҚОЗОСИДИР

## Янгиланаётган Ўзбекистон



**Туб ислохотлар даври... Янгиланиш ва ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётган давр...**

Ўзбекистоннинг кейинги уч йиллик даврига ана шундай таъриф берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари, сўз ва матбуот эркинлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечаётгани эътироф этилмоқда.

Ўзгаришлар барча соҳа ва тизимларни, марказдан тортиб, энг чекка ҳудудларгача қамраб оляпти. Таъкидланишича, биргина сайёҳларни жалб этиш мақсадида АҚШ, Чехия, Польша, Япония, Германия, Италия, Малайзия, Индонезия, Россия ва Хитой каби

давлатлардаги ватандошлар билан ҳамкорликда 40 мингдан ортиқ тарғибот материаллари тарқатилиб, туризм салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган 90 га яқин форум ва акциялар ўтказилган.

Маълумотларга кўра, 2005 йили юртимизга бор йўғи 322 минг 238 сайёҳ келган. 2018 йилда эса улар сони 5 346 219 нафарга етди.

Жорий йил якунига қадар сайёҳларнинг 6,5 миллионга етиши кутилмоқда.

Энг янги тарихимизда юз берган воқеалар орасида кейинги уч йилда 1 минг 705 нафар инсоннинг оқланганини айтиш жоиз.

Ҳаётда ўз номи, шаънини оқлашдан муҳимроқ нарса борми инсон учун?

Эътибор берилса, 2016 йилгача судларда оқлов ҳукми чиқариш

амалиёти деярли учрамаганини кўраемиз.

1991–2016 йилгача 1 нафар, 2016 да 6, кейинги уч йилда эса 1 минг 705 нафар инсон бунга мушарраф бўлди. Аниқроқ айтганда, 2017 йилда 262 нафар, 2018 йил 867 нафар шахс оқланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида судлар томонидан 576 нафар шахс оқланди.

Шу ўринда кейинги 3 йилда 8,5 мингга яқин юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини айтиш жоиз.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларга кўра, 2016 йил декабрь ойидан 2019 йилнинг сентябр ойигача Ўзбекистонда яшаётган юртдошларимиздан 8 минг 348 нафари Ўзбекистон фуқаросига айланган.

Кейинги 3 йиллик даврда

иқтисодий тарғиб ҳам инқилобий жараёнлар юз берди. Хусусан, ишлаб чиқариш ва инвестициялар кўрсаткичи кескин ошди. Масалан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2017 йилдан ҳозиргача 4,7 фоизга, чарм маҳсулотлари 2,7 фоизга ошган. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳасидаги экспорт ҳажми 4 фоизга ошди.

2017 йили 7995 та корхона қурилиш материаллари ишлаб чиқарган бўлса, 2019 йилнинг 9 ойида бундай фаолият билан 10 мингдан ортиқ корхона шуғуллана бошлади.

2017 йилда 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2019 йилда улар сони 180 тадан ортди.

Давоми 2-бетда

Қарор ва ижро

**Маданият марказлари фаолиятидаги муаммолар муҳокама қилинди**

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4038-сонли қарориди маданият марказларининг нафақат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, балки уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига доир долзарб вазифалар белгиланган. Жумладан, қарорда юртимизда маданият марказлари фаолиятига бағишланган илмий-амалий конференциялар, маҳорат дарслари, тажриба алмашув ўқув-семинарларини мунтазам ташкил этиб бориш белгиланган. Ана шу муҳим вазифаларни бажарилиш чоратadbiri доирасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази томонидан "Маданият марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш — давр талаби" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди. Мамлакатимиздаги 220 га яқин туман, шаҳар маданият бўлимлари мудирлари, маданият марказлари ходимлари ва соҳага доир илмий-тадқиқот ишларни олиб бораётган мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда маданият марказлари фаолиятини ривожлантириш, соҳада вужудга келаётган муаммоларга ечим топиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва тўғри ташкил этиш, маданият марказларида бахшичилик санъати тўғрисидаги ташкил этиш каби масалалар атрофича муҳокама қилинди.

### Уларни жаҳаннамга йўллаганлар ким?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги Қарориди 2020 йили дунё миқёсида кенг нишонланадиган буюк сана — Ғалабанинг 75 йиллик байрамига пухта тайёргарлик куриш ва уни юксак даражада ўтказиш зарурлиги курсатиб ўтилди.

Қарорда белгиланган тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси ҳам илгари сурилди.

Давоми 7-бетда



**СИЗ УШАМИ, ЖАНОБИ ИНОЯТОВ?**

**БОЙ БЕРИЛАЁТГАН АВЛОД**

**ИНСОФСИЗ УЧУН КАСБ-КОРНИНГ АҲАМИЯТИ ЙУҚ**



Ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги энг муҳим воқеа — сайловлар яқинлашгани сайин партиялараро баҳс-мунозаралар тобора қизияпти.

**«Зид»лик тушунчасини қачонгача ёпинчиқ қиласиз?**

3-бет

**САЙЛОВГА 18 КУН ҚОЛДИ!**

Электорат вакилларининг интилиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш партиянинг энг муҳим вазифасидир.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастуридан



Чиндан ҳам, мана шундай фидойи инсонлар олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Бундай жонкуяр кишилар, хусусан, ўқитувчи ва мураббийларнинг савобли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Нима учун сайловчиларни «Миллий тикланиш» демократик партияси номзодлари учун овоз беришга даъват қилиш керак? Чунки партиямиз ўз фаолияти давомида миллатпарварлик ва ватанпарварлик тушунчаларига алоҳида ургу бермоқда. Бу айримлар қайд этаётганидек, асло миллатчилик эмас. Миллатпарварлик — бу ўз миллатини севиш, тарихи, ўтмиши, буюк аждодлари ва, албатта маданий меросидан ғурурланиш, деганидир.

## Узлуксиз тарбия тизимини яратиш бугунги давр тақозосидир



Давоми. Бошланиши 1-бетда

## Янгиланаётган Ўзбекистон

Уюшма тизимидаги корхоналар эса 2016 йилда — 3,2 трлн. сўм, 2017 йилда — 3,5 трлн, 2018 йилда — 3,8 трлн сўмлик иш бажарди.

Экспорт хажми эса 2016 йилда 12,9 миллион долларни, 2017 йили 23,7, 2018 йилда 55 миллион, 2019 йилнинг сентябрь ҳолатига эса 115,0 млн. долларни ташкил қилди.

Экспорт таркибида керамик плиткалар, сантех-керамика маҳсулотлари, гулгоғоз, қуруқ қурилиш аралашмалари, пишган гишт, табиий тошдан ясалган пардозбоп плиталар, оҳак, полипропилен қувурлар, фитинглар ва бошқалар ўрин олди.

Тармоқ корхоналари томонидан 320,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2019 йил охиригача цемент ишлаб чиқариш қувватини 15 млн. тоннага етказиш режалаштирилган.

Аҳолини муносиб турар-жой билан таъминлаш масаласи ҳам кейинги уч йилликдаги энг долзарб масалалардан бўлди, дейиш мумкин. Хусусан, охириги уч йилда давлат дастурлари доирасида 104 мингта, жумладан, қишлоқларда 63 мингта ва шаҳарларда 41 мингта хонадонга мўлжалланган арзон уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

2019 йилнинг ўтган даври мобайнидагина давлат дастурлари доирасида қарийб 30 мингта, шу жумладан қишлоқларда 15 мингдан зиёд, шаҳарларда 15 мингга яқин турар-жой ҳамда тадбиркорлар томонидан 19,5 минг хонадонни ўз ичига олган уйлар барпо этилди.

Умумий ҳисобда 2019 йилда қарийб 49 458 та уй-жой қурилиб, бунинг учун 12 триллион 24 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Албатта, меҳр-муҳаббат ва фахр-ифтихор туйғулари ҳар биримизни фаровонлик ҳамда Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида фидойи бўлишга ундайди. Зеро, миллатпарварлик ва ватанпарварлик барча соҳаларда фаол бўлишни ҳам талаб этади.

**Биринчидан**, узлуксиз тарбия тизимини яратиш — бугунги давр тақозоси бўлса, ўзбек тилининг мақомини юксалтириш бевосита миллат келажаги билан боғлиқдир.

**Иккинчидан**, ўқитувчиларнинг обрўсини ва мавқеини том маънода ошира оласак — ёш авлод таълим-тарбияси йўлида яна бир муҳим қадам кўйган бўламиз. Билим ва китобхонликни кенг тарғиб этиш эвазига эса қалби ва онгу тафаккурида Ватанга садоқат, миллатпарварлик, тадбиркорлик, мафкуравий иммунитет, мустақкам ирода, юксак масъулият, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик фазилатларини мужассам этган янги Ўзбекистоннинг янги кадрларини вояга етказишга ҳисса қўшамиз.

Бир ҳаёт мисол: Касби туманининг Қатағон қишлоғида яшаб ўтган раҳматли Холбой ота Хонқулов бутун ҳаётини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган. Қирқ йилдан зиёд ўқитувчилик қилган бу инсон пенсияга чиққанидан кейин қишлоғида ўз ҳисобидан кутубхона барпо қилиб,

«Ёшлар маркази»ни ташкил этади.

Ҳозирги кунда ана шу кутубхонада жамланган адабиётлар 20 мингдан ошган. Бу маърифат маскани йил давомида китобхонлар, айниқса, қишлоқ ёшлари билан гавжум.

Президентимиз ана шу фидойи ўқитувчи хотираси ҳақида тўхталиб, шундай дегандилар: «Жамиятимизнинг китобхонлик даражасини ошириш, ўғил-қизларимизни китобга ошно этиш масаласи гоё долзарб вазифа бўлиб турган бугунги кунда муҳтарам отахонимизнинг бундай хайрли ишларини амалга оширгани, албатта, таҳсинга сазовордир. Ахир, у киши ҳам ошиб-тошиб кетган одам бўлмагандир, пенсиясини, йиққан-терган маблағини тинчгина еб ётса бўларди-ку?».

Чиндан ҳам, мана шундай фидойи инсонлар олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Бундай жонкуяр кишилар, хусусан, ўқитувчи ва мураббийларнинг савобли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

**Учинчидан**, партиямиз маҳаллани жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айлантирилиши учун ҳаракат қилаяпти. Токи маҳалла идораси том маънодаги маҳалла аҳлининг «бош уйи»га айлансин. Бу ерга келиб одамлар ўз фикрини, таклифини, дардини айтсин.

**Тўртинчидан**, «Саломатлик — туман бойлик, дейди халқимиз. Бугунги кунда ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табobati, табибларнинг хизматлари муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳа фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳага доир норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табobati ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун реал шарт-шароит яратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Бешинчидан**, партиямизнинг Сайловолди дастурида халқроқ ҳамкорлик, хусусан, хорижий давлатларнинг парламентлари ва халқроқ парламент ташкилотлари билан доимий алоқаларини ривожлантиришга доир вазифалар белгилангани бежиз эмас.

Чунки хорижда яшаётган ҳамюртларимиз, ўқиётган ёшларимиз билан доимий алоқани йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлашга қаратилган ишлар айнан ана шундай идоралар билан ҳамкорликдан бошланади. Шу маънода, янги парламентда «Халқ дипломатияси концепцияси» ва «Парламент дипломатияси концепцияси» ни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кўзда тутмоқдамиз.

”

**АКМАЛ САИДОВ**  
130-Касби сайлов округидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

**Олтинчидан**, биз Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ва БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясини амалиётга татбиқ этиш йўлидан изчил борамиз.

Бунда, жумладан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, кўп қиррали диний-маънавий меросини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран аниқлаш ва кенг оммалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.

**Еттинчидан**, «Жаҳолатга қарши — маърифат» шiori остида муқаддас ислом динининг ҳақиқий инсонпарварликмоҳиятини, маърифий исломни ёшларимиз онгига сингдириш, халқимизнинг азалий қадриятлари ва ахлоқий фазилатларини асраш ва қадрлашни асосий вазифаларимиздан деб биламиз.

Шундай қилиб, партиямизнинг ва партиядан депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг Сайловолди дастурида миллий манфаат деган тушунча биринчи ўринда туради. Биз Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришга интиламиз. Партиямиз шioriда қайд этилганидек: «**Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!**»

## Худудларда



Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи комиссиялар томонидан номзодлар рўйхатга олинган куннинг эртасиданоқ жойларда ҳам сайловолди учрашувлари ўтказила бошланди.

## Сайловчи партиялар ва номзодлардан нималарни кутяпти?

18 ноябрдан бошлаб «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши томонидан 28 маротаба митинглар, партия сайловолди дастури тарғиботида бағишланган 30 дан зиёд очiq мулоқот, 694 марта номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилди. ОАВлари, ижтимоий тармоқлар орқали эса 200дан ортиқ чиқишлар қилинди.

Барча тадбирларда асосий эътибор сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, устувор йўналишларни тарғиб қилишга қаратилган. Қувонарлиси, кўплаб учрашувларда илгари сурилаётган гоёлар, амалий таклифлар сайловчилар томонидан маъқулланяпти. Масалан, Халқ депутатлари Қўрғонтепа туман Кенгаши депутатлигига 6-Ибн Сино сайлов округидан номзод Насрулло Зийидиновнинг сайловолди учрашувида 120 нафар фуқаро иштирок этган бўлса, кўпчилик фуқароларимиз дастурида белгиланган вазифалар долзарб эканини, номзод дастурида эса кўпчиликни ўйлантираётган маса-

лалар кўзда тутилганини эътироф этдилар. Шунингдек, Шаҳрихон туман кенгаши депутатлигига 9-Навбахор сайлов округидан номзод Гулчехра Раҳмонованинг Шаҳрихон қишлоқ ўтказиш касбунара коллежида ўтказилган учрашувида ҳам Шаҳрихон туман газетаси муҳбири Аббосбек Султонов сўзга чиқиб, «Миллий тикланиш» дастуридаги гоёларнинг халқчил эканини, бу партия дастурининг фақат экспертлар фикригагина таяниб эмас, тўғридан-тўғри халқ ичида муҳокамалар, дебатлар ўтказиш орқали, халқнинг талаблари, ҳошиш-истакларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганини кўрсатишини билдирди. Бундай мулоҳазалар биз учун ниҳоятда муҳим, албатта. Тўғри, партиямиз, айниқса, амалдаги депутатларимиз фаолиятини кескин танқид қилаётган сайловчиларимиз ҳам бор. Биз уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам тегишли хулосалар чиқаряпмиз. Чунки, ўтган йиллар давомида йўл қўйилган хатолар, сайловчи талаблари даражасида ишламаганимиз бор гап. Аммо биз бугун келгусидаги режаларимиз ҳақида

юртдошларимизга маълумотлар беришга ҳаракат қилаяпмиз. Дастурида узлуксиз тарбия тизимини яратиш, тилимиз софлигини таъминлаш, солиқ амнистияси эълон қилиш орқали тадбиркорларимизни қўллаб-қувватлаш, муқобил кредитлаш тизимини жорий этиш ҳамда коммунал тўловларни табақалаштирилган усулда амалга оширишга доир таклифларимизга юртдошларимизни бефарқ қолдирмаяпти. Албатта, халқимизнинг миллий-лигимизни сақлаш тарафдори экани асосий ютуғимиз бўляпти, десак хато бўлмайди. Айни кунларда депутатликка номзодлар ва партиямизга бир хил ҳажмдаги эфир вақти ва чоп этиш майдони бепул тақдим этилгани муносабати билан давлат ОАВдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Фаолиятимизга оид ахборотларни аҳолига етказишда ижтимоий тармоқлар кучидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Депутатликка номзодларимиз оммавий дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманларида ҳам эмин-эркин фикр

билдирмоқдалар. Ишончимиз комилки, халқимиз томонидан эътироф этилаётган кўплаб ташаббусларимиз албатта, жамиятимиз манфаатларига хизмат қилади. Сайловлар ва сайловолди учрашувлари ҳақида гап кетганида, шуни таъкидлаш ўринлики, Сайлов кодексига кўра, сайловчилар билан учрашувлар номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан мустақил равишда ўтказилаётгани ҳам бу йилги сайловларнинг аввалгиларидан афзаллик жиҳатларини кўрсатмоқда. Яъни, Ўзбекистоннинг янгиланган сайлов қонунчилиги — демократик сайловлар ўтказишнинг асоси бўлиб хизмат қилаётди. Шу ўринда Сайлов кодексининг партиялараро рақобат ва унинг очиқлигини таъминлаш кафолати бўлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, танлаган йўлимиз ва илгари сураётган гоёларимиз бизни ғалаба сари етакламоқда.

**Хамиджон ОМАНОВ,**  
«Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши раиси

Шуни тан олишимиз керакки, ҳали эълон қилинмаган мақола учун таҳририятни бирданига учта модда бўйича жавобгарликка тортишни сўраб прокуратурага мурожаат қилиш ўқитувчиликни «қоғозбозлик билан боғлиқ соҳа», дейишдан кўра мантиқлироқ туюляпти бизга.

# «Зид»лик тушунчасини қачонгача ёпинчиқ қиласиз?

**Ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги энг муҳим воқеа – сайловлар яқинлашгани сайн партияларо баҳс-мунозаралар тобора қизияпти.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Дилором Файзиеванинг «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Конституцияга зид тақлифи» номли мақоласи эса ОАВда ҳам мунозаралар кескинлашиб бораётганини кўрсатяпти. Ушбу чиқиш айна пайтда икки сиёсий кучнинг аёллар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги қарашларида тафовутлар борлигидан ҳам далолат бермоқда. Д.Файзиеванинг ёзишича, «Миллий тикланиш» ДП аъзолари томонидан 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор аёлларнинг маошларига таъсир қилмаган ҳолда, иш вақтини қисқартириш тақлифи илгари сурилаётгани турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Албатта, уй юмушлари зиммасига юкланган аёлларнинг муайян қисмига бундай тақлиф жуда ёқини ва бу билан мазкур партия сайловларда ўзига хайрихоҳ бўладиган инсонларни кўпайтиришни кўзлагани ҳеч кимга сир эмас.

Аммо, таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларидан келиб чиқилган, аёллар ва эркеклар ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, оналикни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўймасликка қаратилган қатор халқаро ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси қўшилганини унутмаслик даркор. Мазкур ҳужжатлардаги қоидалару меъёрлар эркеклар ва аёлларнинг оиладаги вазифаларига оид эскича қарашлар, аёлларни фақат уй юмушларига ипсиз боғлаб қўйган, яъни бу каби тараққиётни чекловчи иллатларга барҳам берувчи нормалар миллий қонунчилигимизга ҳам сингдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, Оила кодексининг 19-моддасида эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллиги белгиланган.

Шунингдек, Оила кодексининг 21 ва 22-моддаларида болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қилиши, уларнинг ҳар бири машғул, касб тури ҳамда яшаш жойини танлашда эркин экани мустаҳкамланган. Меҳнат кодексининг 16-моддасига кўра эса ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ҳуқуқига эга.

Ҳа, чиндан ҳам қонунчилигимизда опансингилларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оналикни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўймасликка оид қатор нормалар мавжуд ва буни ҳеч ким инкор қилаётгани йўқ. Аммо «Миллий тикланиш» демократик партияси илгари сураётган тақлиф Д.Файзиева таъкидлаганидек, «сайловларда ўзига хайрихоҳ бўладиган инсонларни кўпайтириш»га қаратилмаган. Биз юқоридаги нормаларни такомиллаштириш

орқали аёлларимизга янада қулай шароитлар яратиш хусусида гапирётганимизни қайта-қайта такрорлашга тайёрмиз. Бундай оддий ҳақиқатни англамаслик эса кейинги пайтларда О'зЛиДеР фаолиятида яққол кўзга ташланаётган «сиёсий жирракилик»ка ўхшаб кетяпти, холос.

Маълумки, 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида «...Хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, жумладан, энг оғир масала бўлган ўз

кўпаяётгани, аёллар ўртасида эса ўз жонига қасд қилишга мойиллик ҳолатлари кучаяётганини инobatга олиб, муаммонинг ечимларидан бири сифатида аёлларимизнинг ўз оиласи, фарзандларининг таълим-тарбияси билан кўпроқ шуғулланишлари учун иш соатларини кўриб чиқиш ҳамда иш вақтини 9<sup>00</sup>дан 16<sup>00</sup> гача белгилаш масаласини қонунчиликка киритиш тақлиф этилган эди. Ушбу конференция доирасида тўпланган материаллар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир 50 га яқин тақлифлар илгари сурилганини, миллий ва хорижий тажриба таҳлил этилган 60 га яқин мақолалар эса тўпلام шаклида чоп

тўлдирилди, такомиллаштирилди?

Ҳуқуқшуносларнинг маълум қилишларича, АҚШ Конституцияси қабул қилинганидан буён унга 10 мингдан зиёд тузатишлар киритиш тақлифи билдирилган.

Биз партия фаоллари тақлифини содда тилга ўгирсак, шундай маъно келиб чиқади: опа-сингилларимизга кўпроқ эркинлик бериш мақсадида иш соатларини қисқартиришни тақлиф қилаямиз. Тамом. Бошқа гап ҳам, маъно ҳам йўқ бу ерда. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Кимга бу тақлиф ёқмаяпти, айтинг!

О'зЛиДеРами? Ёки ҳурматли депутатимиз Дилором Файзиевагами?

Боринг ана, тақлифимиз Бош Қомусимизга ҳам зиддир Сизнингча! Аммо уни ўзгартириш, тақлифга мослаштириш Сиздек азиз депутатларимиз қўлида эмасми?

Ҳурматли депутатимиз ўз мақолаларида яна ёзадилар: инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларидан келиб чиқилган, аёллар ва эркеклар ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, оналикни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўймасликка қаратилган қатор халқаро ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси қўшилганини унутмаслик даркор. Мазкур ҳужжатлардаги қоидалару меъёрлар эркеклар ва аёлларнинг оиладаги вазифаларига оид эскича қарашлар, аёлларни фақат уй юмушларига ипсиз боғлаб қўйган, яъни бу каби тараққиётни чекловчи иллатларга барҳам берувчи нормалар миллий қонунчилигимизга ҳам сингдирилган.

Ҳа, Сиз ҳақсиз бу масалада миллий қонунчилигимизга кўпгина нормалар сингдирилган. Аммо Давлатимиз раҳбари бундан икки йил аввал таъкидлаганидек, оилавий ажрашишлар камайиш ўрнига йилига 10 фоизга ошаётганини инкор этсак, адолатдан бўладими? Шу ўринда «Бу борада на самарали ишлайдиган қонунлар қабул қилинмоқда, на жойларда амалий фаолият олиб борилмоқда» деган гаплар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, десак фикримизга қарши чиқасизми?

Яна бир гап. Кимдир юқоридаги тақлифни қайта-қайта ўқиб, яъни аёлларнинг иш соатларини қисқартириш ҳақидаги иборада аёлларни фақат уй юмушларига ипсиз боғлаб қўйиш ҳақида гап бораётганини кўряптими? Қўраётган бўлсангиз айтинг, барака топгурлар! Аммо масалага ҳолис ёндашсангиз, бошқачароқ айтганда, қалбингизга қулоқ солсангиз, аёллар учун ҳар қанча имтиёз ва имконият яратилса, оз эканини англаб етасиз. Бу борада таниқли ҳуқуқшунос Акмал Саидовнинг хулосалари ҳам ижтимоий тармоқларда бежиз тарқалмаганини сезгандирсиз.

Бас шундай экан, ҳеч бўлмаса аёллар масаласида сиёсий «амбициялар»дан воз кечиб, бошқалар ташаббуси бўлса ҳам уни қўллаб-қувватлашга ўзимизда куч топайлик.

Умид АРСЛОНБЕКОВ

”

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

тақлифини содда тилга ўгирсак, шундай маъно келиб чиқади: опа-сингилларимизга кўпроқ эркинлик бериш мақсадида иш соатларини қисқартиришни тақлиф қилаямиз. Тамом. Бошқа гап ҳам, маъно ҳам йўқ бу ерда. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Кимга бу тақлиф ёқмаяпти, айтинг!

О'зЛиДеРами? Ёки ҳурматли депутатимиз Дилором Файзиевагами?

Боринг ана, тақлифимиз Бош Қомусимизга ҳам зиддир Сизнингча! Аммо уни ўзгартириш, тақлифга мослаштириш Сиздек азиз депутатларимиз қўлида эмасми?

жонига қасд қилиш, жиноятчилик ва оилавий ажримларнинг олдини олишда Олий Мажлис палаталарининг роли сезилмаяпти. Бу борада на самарали ишлайдиган қонунлар қабул қилинмоқда, на жойларда амалий фаолият олиб борилмоқда. Ҳолбуки, халқимиз, сайловчиларимиз биздан бу борада амалий ҳаракатларни кутмоқда», деган эдилар.

Ҳар қалай ҳурматли депутатимиз ана шу йиғинда иштирок этиб, Давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилган муаммоларнинг чиндан ҳам долзарб эканини ҳис этган бўлсалар керак. Шундан кейин партиямиз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг ижросини амалга ошириш мақсадида Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида Республика илмий-амалий конференциясини ўтказди.


Айнан ана шу тадбирда бир қатор нуфузли идоралар қатори парламентдаги аёл депутатларимиз ҳам иштирок этганини таъкидлашни истардик.

Чунки айнан ана шу конференцияда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати кенг қўламда амалга оширилаётганига қарамасдан, ёшлар ўртасида жиноятчилик

этилганини айтиш жоиз. Шунингдек, мазкур тадбир доирасида уюлмаган хотин-қизлар билан ишлаш борасида қонунчилик устидан жамоатчилик, парламент, депутатлик назоратини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорлик Меморандуми ҳам имзоланганди.

Бу эса аёллар иш вақтини қисқартириш «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурига тасодифан киритилмаганини, бу тизимли ишлар, ўтказилган сўровномалар, таҳлиллар ҳамда «Аёллар қаноти» томонидан жойларда ташкил этилган тадбирлар натижаси эканини қайд этиш жоиз.

Тўғри, кейинги пайтларда парламентимизнинг айрим эринчоқ депутатлари ҳар қандай қонунга бирон-бир ўзгартиш киритишни глобал муаммога айлантиришга одатланиб қолдилар. Қонунлардаги камчиликлар, айрим қонунларнинг эса ҳаётимизга мос келмай қолгани ҳақида сўз борса, «Бу Конституциямизга зид» дея осмонга сапчиш ҳам баъзи партиялар учун «обрў олиш операцияси»га айланяпти. Ваҳоланки, Конституция ҳам бугунги давр, юртимизда амалга ошаётган янгиланишлар талаби асосида ўзгартирилиши табиий ҳол эмасми? Айтинг, кейинги уч йилда ҳаётимизда нималар ўзгармади, қандай қонунлар, қонуности ҳужжатлари тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётгани айтилмади? Қанчадан-қанча қонунлар



## СИЗ ЎШАМИ, ЖАНОБИ ИНОЯТОВ?

Хабарингиз бор, «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетасининг 39-40 қўшма сонида «ЎзХДП аъзоси Мақсуда Ворисованинг Россия коммунистлар партияси етакчиси Геннадий Зюгановга қандай «қариндош»лиги бор?» сарлавҳали мақола анонси эълон қилинган эди.

Кўп ўтмай ижтимоий тармоқларда «Сенатор Ворисова «Миллий тикланиш»ни судга бериши мумкин» мазмундаги хабарлар тарқала бошлади. «Шамол бўлмаса дарахт шохи қимирламайди», деганларидек, ушбу маълумот тез орада ўз тасдиғини топди ҳам. Яъни, сенаторнинг газета устидан Юнусобод тумани прокуратурасига расман шикоят қилгани матбуотда эълон қилинди. Аммо бир оз ўтгач, шикоят аризага сенатор М.Ворисова эмас, балки ЎзХДП етакчиси Улугбек Иноятов имзо чеккани маълум бўлди.

Шу ўринда ўқувчиларимизда деярли 30 йиллик сиёсий тажрибага эга бўлган партия етакчиси сиёсий курашлар майдонига киришдан аввал шундай тўқнашувлар юз беришини ва бунда матбуот турли усул ва услублар орқали ўз «қахрамон»ларини фoш этишга уринишини наҳот уйлаб кўрмаган бўлса, деган савол туғилиши мумкин. Аммо шуни тан олишимиз керакки, ҳали эълон қилинмаган мақола учун таҳририятни бирданига учта модда бўйича жавобгарликка тортишни сўраб прокуратурага мурожаат қилиш ўқитувчиликни «қоғозбозлик билан боғлиқ соҳа», дейишдан кўра мантиқлироқ туюляпти бизга.

Кутинг! Прокуратура хулосаларини албатта эълон қиламиз!

Кутинг!

«АДОЛАТ» СДП  
ФАОЛЛАРИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМНИ БЕПУЛ  
ҚИЛИШГА ВАЪДА  
БЕРИШЯПТИ

Келгуси сонларимизда

✓ Биринчи авлод бу – анъанавий услубдаги олийгоҳлар. Афсуски, биздаги аксар университетлар айнан ана шу тонфага киради. Яъни, бизда фақат назарий билим бериш одат тусига кирган.



## Сайловчиларнинг ҳуқуқий билимлари оширилмоқда

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида 438-сонли участка сайлов комиссияси томонидан «Сайлов қонунчилигига оид англиклар» мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар Сергели тумани прокуратураси ходимлари, участка сайлов комиссияси аъзолари, профессор-ўқитувчилар, курсантлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Маълумки, сайлов мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотлар, яқин ва оқибатдаги иштирок учун белгилаб олинган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Тадбирда бўлажак муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик ҳақида сўз юритилди. Партияларнинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор мақсадлар ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди. Таъкидланганидек, бу йилги сайловнинг аввалгиларидан энг муҳим фарқли жиҳатларидан бири унинг илк бор янги Сайлов кодекси асосида ўтказилишидир. Аҳамиятга молик жиҳати, кодексдан сайловларни умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошкора ва шаффоф ўтказишга ҳизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоида жой олган. Амалда бўлган кўплаб чекловлар чиқариб ташланган. Шунингдек, «Бир сайловчи – битта овозга эга» тамойилини таъминлаш мақсадида юртимиз миллий сайлов тизимида сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати татбиқ этилмоқда. Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олди.

Гулноза БОБОЕВА

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ

ҳар қандай

## ХАТО

бизни фаровонликдан узоқлаштиради

2018

йили Ўзбекистондаги олийгоҳлар қаторига Самарқандда иш бошлаган «Ипак йўли» туризм халқаро университети ҳам қўшилди. Ушбу университет таълим тўлалигича инглиз тилида олиб бориладиган илк олийгоҳ эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Узоқ вақт Жанубий Корея таълим тизимида ишлаган олим Азамат Акбаров айни пайтда янги университетда проректор сифатида фаолият олиб борапти.

Азамат Акбаровнинг фикрича, янги муассаса халқаро университетларга миллий-халқаро олийгоҳ сифатида рақобатчи бўлиши лозим. Шунингдек, халқаро университет Ўзбекистоннинг «юмшоқ куч»ига ҳам (soft power) айланишига эришиш керак. «Юмшоқ куч» ҳам аслида моддий нэматлар каби экспорт қилинадиган маҳсулотдир. Бас шундай экан, биз асосан таълим орқали мамлакатни дунёга танитишимиз лозим.

Университетимиз 2019/20 ўқув йилларида тўлигича инглиз тилида дарс бериладиган тизимга ўтди. Бундан ташқари биз «Балонья тизими»га, яъни кредит-модуль тизимига ўтдик. Бу тизим биринчидан, университетнинг халқаролашувиغا ёрдам берса, иккинчидан, Европа, Жанубий Корея, Япониядаги кучли олийгоҳлар билан талаба алмашиш (яъни, ўқишни бошқа олийгоҳга кўчириш) имконини оширади.

Ушбу тизимда талаба белгиланган миқдордаги кредитни олиши керак. Масалан, бизда 240 кредит олиш мажбурий бўлиб, талаба бунга 4 йилда, ҳоҳласа 5 йилда олиши мумкин. Яъни бу талабага тўла эркинлик беради. Шунингдек, талаба ўқиш билан бирга бирор ерда ишлаши ҳам мумкин. Агар у ишлаб туриб ҳам белгиланган кредитни ололса, марҳамат, бемалол ишлайверсин. Биз талабанинг ўз соҳаси бўйича ишлашни фақат кўллаб-қувватлаймиз. Талаба шунингдек, бирор бир семестрда ололмаган кредитлари ўрнини кейинги семестрда тўлдириши ҳам мумкин. Яъни, талаба ўз ўқув режасини ўзи туза олади.

Нега баъзи талабалар чет эллардаги олийгоҳларда биринчи семестрдаёқ ҳайдалиб кетадилар? Чунки у керакли дарсларни қайтадан ўқишга улгурмайди. Ваҳоланки, улар маҳаллий олийгоҳларда талаб этилган фанларни ўқишган, ammo бунинг исботи бўлмаган. Кредит-модуль тизимида эса бундай муаммо бўлмайди.

Мутахассис маҳаллий олийгоҳларда ҳаддан ташқари кўп фанлар

ўқитилиб, бундай ортиқча юклар билан талабага оғирлик қилишини айтди. Акбаровнинг маълум қилишича, ҳозирда бир семестрда 5 та фан ўқитилади. Баъзи олийгоҳларда эса талабалар ярим ўқув мавсумида 10-12 та фанни ўзлаштиришга мажбур. Албатта, таълимда инқилоб рўй бераётган бир пайтда рақамли дунёда нега талаба бунчалик кўп фанни ўзлаштириши керак?

– Буни оддий тилда тушунтириш мумкин: айтилик, талаба битта фанни ўзлаштириш учун 500 саҳифали китобни ўқишга 150 соат вақт сарфлайди. Тахлилларга кўра, талаба 1 соатда 5-6 саҳифа маълумотни ўзлаштира олади. Яъни, фарз қилайлик, та-

– Талаба барча билимларни фақат олийгоҳдан олиши керак, деган тушунча ҳам хато тушунчадир. У кутубхонадан, амалиётдан ҳам билим олиши мумкин. Тўғри, 90 йилларда билимнинг ягона манбаи қайсидир профессор бўлган. Фаннинг ягона нусхадаги дарслиги унинг хонасида сақланар ва юзлаб талабалар ўша китоб учун навбат кутардилар. Бугун эса билимнинг асосий манбаи — интернет. Бугунги талабага дарс вақтида нотўғри маълумот берсангиз, ўша заҳотиёқ буни билиб олади.

Юқорида айтганим «Болонья тизими»га кўра, ўқитувчи берилган дарслик билан талаба ҳам таъминланиши керак. Бундан ташқари педагог қўшимча

Иккинчи авлод бу – фанга асосланган университетлар. Жанубий Корея ва Японияни мана шундай университетлар ривожлантирган. Хусусан, «Samsung», «LG» каби компаниялар университетлар билан ҳамкорликда ривожланган. Яъни, бирор университет бу корхоналарнинг лойиҳаларини амалга ошириш эвазига катта пул олган. Яъни, бу жараёнда ҳам талаба тажриба орттирди, ҳам университет пул топди. Уларда бир профессор йилига 30-40 миллион доллар топиши ҳам мумкин. Натигада у бутун дунёдан ўзи хоҳлаган докторантларни қабул қилиб, лойиҳаларини амалга оширади. Бундай профессорларнинг йиллик бюджети бутун бошли университетларнинг бюджети-дан каттароқдир.

Учинчи авлодга тадбиркорлик руҳидаги университетлар киради. Бундай олийгоҳлар АҚШ ва Канадада кенг тарқалган. «Google», «WhatsApp» каби лойиҳалар айнан мана шундай университет талабалари томонидан амалга оширилган. Масалан, Массачусетс университети ҳар йили 50-60 нафар талаба миллионлаб долларлик стартап лойиҳасига эга бўлган ҳолда тамомлайди. «Facebook», «Microsoft» каби йирик корхоналар ҳам стартапдан бошланганини унутмаслик керак. Бундай лойиҳаларни «гараждаги гоғлар» деб ҳам аташади. Яъни, ўша пайтларда 3-4 киши лойиҳа учун жой тополмай, уни гаражларда амалга оширишган...

Тўртинчи авлод эса ментор услубидаги университетлардир. Бизнинг олдимизга қўйилган вазифа ҳам қисқа муддат ичида биринчи авлод университетидан тўртинчи авлод университетига айланишидир. Бунинг учун энг аввало кўзбўямачиликлардан қочиб, том маънода ишлаши керак. Фақат қозғоларда машхуру, амалда қолоқ бўлган университетга йўл қўйилмаслиги керак. Шахсан ўзим айнан мана шу вазифани удалаш учун Жанубий Кореядаги қулай шароитларни ташлаб келдим.

Ўқиш вақтида талабанинг ўз мутахассислиги бўйича ишлаши жуда яхши. Буни одатда Германия тажрибаси, дейишади. Германияда талабалар учинчи курсдаёқ ўз мутахассислиги бўйича кўнгилли сифатида ширкатларда ишлаб бошлайдилар. Улар керак бўлса бепул ишлашади. Бизда ҳам шундай бўлишини жуда хоҳлайман. Бу борада бир нечта сайёҳлик ширкатлари билан гаплашдим. Уларга талабалардан шунчаки ишчи сифатида фойдаланмаслик, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини

тўғри йўналтириш фойдали эканини айтдим. Биз биринчи ва иккинчи курс талабалари баҳосининг 30 фоизини амалиётдан олишини белгилаганмиз. Кейинги курсларда бу кўрсаткич 50 фоизга етади.

Суҳбатдошимизнинг фикрича, дунёнинг кўплаб университетидаги кириш жуда осон. Лекин уларни битириш қийин. Уларнинг бугунгидек ном қозонишлари эса сифатли таълим сабаб бўлди. Бу олийгоҳларда дарс берувчилар дарсга ҳаётининг энг муҳим лаҳзаси сифатида қараб, бир соатлик маъруза ўқиш учун уч соат тайёрланишади. Тасаввур қилинг, улар 10 минглаб одамларга маъруза ўқийдилар. Ва 1 000 саҳифалик маълумотни бир соат ичида тингловчиларга етказишади.

Бизда эса ўқитувчи 20-30 соатлаб дарсга киради. Бир соатлик маърузага уч соат тайёрланса, 60 соат вақти кетади. Бир ҳафтада эса 50 иш соати бўлса, ўқитувчи бунча маърузага қандай тайёрлансин? Уларда фақат дарсга кириш учун вақт қоляпти, холос. Акбаров янги университетнинг ривожланишдан тўхтамаслиги кераклигини айтиб, бунга аниқ мисоллар келтирди:

– Ўқитувчиларимизнинг 70 фоизи хорижлик. Юқорида айтганимдек, бизда таълим фақат инглиз тилида ташкил этилган. Мутахассисларимиз асосан туризм соҳаси билимдонлари. Масалан, туризмда ишлатиладиган бизнес инглиз тили мутахассиси талабаларимизга дарс берапти. Шунингдек, университетга Тайван, Япония ва Испанияда ишлаб юрган ўзбекистонлик педагоглари ҳам жалб қилдик. Асосий гоғимиз Оксфордга бормаи туриб, ўзимизда оксфордча таълим беришни йўлга қўйиш.

Албатта, сифатли таълим учун яхши бина керак. Бизга Самарқанддаги машхур университет хиёбонида жойлашган собиқ СамДУ лицензия берино берилди. Насиб бўлса, февралда уша бинода ўқиш бошланади. Бу энг сўнгги бино эмас, «smart campus» (аклли бино) бўлади. Бино охириги авлод техникалари билан жиҳозланади ва у ерда ҳужжатлар онлайн тўлдирилади.

Биз доим замон билан бирга ривожланишимиз керак. Маълумки, ўз вақтида жуда машхур бўлган «Motorola», «Nokia» телефонлари рақобатда «Apple», «Samsung» телефонларига ютқазиб қўйди. Чунки улар замон билан бирга ривожлана олмади. Университетлар ҳам замон билан бирга ривожланиши керак.

Ўткир ЖАЛОЛХОНОВ суҳбатлашди.

## «БИР СЕМЕСТРДА 120 СУТКА БОР.

Демак, савол: нега биз талабаларга олдиндан бажариш имкон бўлмаган вазифаларни юклаганимиз керак? Шундан кейин у 3-4 та фандан тайёрланиб, қолганлари учун тўғри бўлмаган муҳобил йўллари қидира бошлайди.

лаба 10 саҳифалик мустақил иш ёзиш учун қўшимча 1 000 саҳифалик маълумот билан танишиши керак. Бунга эса 300 соат вақт керак бўлади. Энди 450 соатни 24 га бўлсак, 18 сутка келиб чиқди. 18 суткани 12 га кўпайтириб (агар 12 та фан ўқитилса) бу 220 сутка деганидир. Бир семестрда 120 сутка бор. Демак, савол: нега биз талабаларга олдиндан бажариш имконини бўлмаган вазифаларни юклаганимиз керак? Шундан кейин у 3-4 та фандан тайёрланиб, қолганлари учун тўғри бўлмаган муҳобил йўллари қидира бошлайди. Шунинг учун бугун таълимда коррупция муаммоси жиддийлашиб кетган.

Ўзим ҳам талабалик пайтимда 120 дан ортиқ фанларни ўқиганман. Аммо кейинчалик уларнинг 1-2 тасидангина фойдаланганман, холос. Ўзимиз кўплаб фанларнинг қийинчилик туғдиришини билган ҳолда талабаларимизни «ўққа тутишимиз» тўғрими? Албатта, ҳеч бир фанни кераксиз, деб бўлмайди. Лекин қандайдир йўналиш учун баъзи фанлар керак бўлмаслиги табиий ҳолат. Биз талабалар хотирасини ривожлантиришга эмас, уларнинг ижодкорлик қобилиятини оширишга эътибор қаратишимиз керак.

Азамат Акбаров бугунга келиб, билимнинг асосий манбаи интернет эканини таъкидлади. Унинг фикрича, 90 йилларда бўлганидек, илмнинг асосий манбаи фақат профессорлар, деб ўйлаш нотўғри.

тавсия қилинган манбалар, онлайн ресурслар билан талабани таништириши шарт. Ўз фанига оид конференция, тадқиқотлар, англиклар билан ҳам талабани боҳабар қилиб бориш керак.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Жанубий Корея, Япония, Германия каби мамлакатлар вайронга айланган. Аммо улар ҳозир дунёнинг энг кучли 10 та давлати қаторида туради. Уларнинг 40 йил давомида бундай қудратли давлатга айланиши албатта, таълим билан боғлиқ. Жанубий Кореяда ер ости бойликлари йўқ, ammo улар ўз имкониятларидан тўғри фойдаландилар. Масалан, кемеасозликда корейлар тенгсиз. Бу мамлакатлар энг аввало университетлари оёққа турғиздилар.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, университетларни 4 та авлодга бўлиш мумкин.

Биринчи авлод бу – анъанавий услубдаги олийгоҳлар. Афсуски, биздаги аксар университетлар айнан ана шу тонфага киради. Яъни, бизда фақат назарий билим бериш одат тусига кирган. Ўқитувчи дарсга тайёрланади, маъруза ўқийди, тажриба эса йўқ. Баъзи ўқитувчилар 30-40 йил аввалги дарсликлардан фойдаланишади. Биз визуал ресурслардан фойдаланмай туриб, методологияни ривожлантира олмаслигимизни ниҳоят тушуниб етишимиз керак.

## Маънавият



## Маҳалла қошида кутубхона

Кўкон шаҳрининг Собир Абдулла номидаги маҳалла фуқаролар йиғини қошида кутубхона фойдаланишга топширилди. 2 минг 500 дан зиёд бадиий адабиётни жамлаган янги кутубхона ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маънавиятини юксалтириш, китобхонликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Маҳалла кутубхонасига Исом Каримов номидаги Тошкент

давлат техника университети Кўкон филиали ҳамда маҳалла фахрийлари 200 дан зиёд китоб ҳада этди. Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги томонидан янги компьютер берилди. Кутубхонада ёшлар ва маҳалла аҳли китоб ўқиш билан бирга, ахборот технологиялари соҳасида ҳам ўз кўникмаларини ривожлантириш имкониятига эга.

Муқимжон ҚОДИРОВ

Обуна – 2020!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА  
БЎЛИНГ ВА «MALIBU»  
ҲАМДА «SPARK»  
АВТОБИЛИНИ ҚўЛГА  
КИРИТИНГ!

Обуна индекси  
158

Меъморий ёдгорлик ичига кирсангиз, масжид ҳовлисидаги тартибсизлик, қабр атрофидаги ёқимсиз манзарадан дилингиз хира тортади.

## Қарор қатъий эмас, шикоятга ўрин бор!

Кўхна тарих Наманганининг азалдан илм-фан ва маданият ривожланган йирик марказлардан бўлганини, бу замин кўллаб буюк олимлар, улуғ сиймолари билан бирга тарихий обидалари, зиёратгоҳлари билан ҳам ном қозонганини кўрсатади. Айни пайтда вилоятда 282 та моддий-маданий мерос объекти бўлиб, уларнинг 163 таси археология, 95 таси архитектура ёдгорликлари ҳисобланади. Бу эса вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, Намангани сайёҳлик марказларидан бирига айлантатириш учун қулай имконият мавжуд, деганидир.

2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари ва соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, вилоятдаги барча моддий маданий мерос объектлари ҳатловдан ўтказилган эди.

Натижада 73 та объект ҳолати бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги, 15 та тарихий маскан авария ҳолатига келиб қолгани аниқланди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг ҳудуддаги ижроси масаласини 2018 йил 25 ноябрь куни бўлиб ўтган шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига олиб чиққан ва бу борада қарор ҳам қабул қилинган эди. Унда Қўқон кўчаси, 5-уйда жойлашган «Сирли масжид» зиёратгоҳи ҳудудида ободонлаштириш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланган эди.

Аммо ўтган бир йил мобайнида маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан бу борада амалий чора-тадбирлар кўрилмади.

— Халқ орасида «Сирли масжид» сифатида ном қозонган ушбу ёдгорлик XIX асрда барпо этилган, — дейди манбашунос олим Аҳмад Убайдуллоҳ. — Масжид ҳовлисида Қўқон хонлиги даврида, яъни XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган тасаввуф олими Мажзуб Намангонийнинг муриди Ҳусайн халифа мақбараси жойлашган. Масжид шифтлари нақшлар билан безатилган, сирланган, рангли бўёқ билан ҳаллангани сабабли «Сирли масжид» номи билан атала бошланган.

Аҳмад Убайдуллоҳ маълумотларидан шундай хулоса чиқадики, ёдгорлик номини унинг пештоқиға илинганидек, «Шайх Зокирхўжа Эшон» эмас, балки «Ҳусайн халифа» зиёратгоҳи деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бу масжид ҳудудидаги қабр юқорида қайд этилганидек, Шайх Зокирхўжа Эшоннинг эмас, балки Ҳусайн халифанинг қабридир. Қўқон хонлигининг шайхул ислом бўлган, яъни хонлиқда ислом шариатига оид муҳим масалаларда фатво чиқариш ҳуқуқиға эга бўлган Шайх Зокирхўжа Эшон «Сирли масжид»дан чамаси 100 метр нарида қад ростлаган замонавий савдо мажмуаси ҳудудида (олдинги болалар боғчаси ўрнида) дафн қилинган.

Масжид тўғри тўртбурчак тархли, икки устунли хонақоҳ ва сатҳи ундан катта бўлган икки томонлама қурилган айвондан иборат бўлиб, хонақоҳ деворларига чўққисимон меҳроблар ишланган. Хонақоҳ безаксиз, лекин айвон турли нақшлар билан серҳашам безатилган. Айвон шифти ҳавозаси ва устунлар тепаси мукарнасли қошлар, рангоранг гулли нақшлар ва безакли пойустунлар билан зийнатланган. Деворларнинг юқори томонлари энли хандасий нақшлар билан ҳошияланган. Айвон безагида фарғоналик халқ усталарининг энг гўзал ижод намуналаридан фойдаланилган. Масжид олдидаги чор атрофи тўсилган ҳовлида тархи тенг томонли ҳовуз, кекса чинор ва хом гиштдан қурилган синчли бино бўлган.

Ачинарлиси, 2009 йили вилоят марказидаги йўлларнинг кенгайтирилиши сабабли масжиднинг асосий биноси бузиб юборилади. Аммо унинг дарвозахона қисми ва масжид ичидаги қабр сақланиб қолган. Ушбу ёдгорлик 2011 йили вилоят ҳокимининг 106-сонли қарорига асосан маданий мерос объекти сифатида муҳофазага олинган. Туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурға кўра, масжид ҳовлисидаги мақбара 2016 йили вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қайта реставрация қилинган. Яъни, қабр сатҳи 1,5 баробар юқориға кўтарилиб, мрамар тош билан қопланган. Бироқ, абгор ҳолатға келиб қолган масжид ҳудудидан «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғини ўзига бино сифатида фойдаланиб келаётгани таассуфланарлидир.

Меъморий ёдгорлик ичига кирсангиз, масжид ҳовлисидаги тартибсизлик, қабр атрофидаги ёқимсиз манзарадан дилингиз хира тортади. Масжиднинг бузиб юборилган ҳудудида фаолият олиб бораётган новвойхона, сартарошхона, тунукасозлик устaxonаси эгалари хунармандчилик билан шуғулланиб, аҳолиға маиший хизмат кўрсатиб келмоқда.

— «Сирли масжид» ёдгорлиги ва зиёратгоҳ маҳалламиз аҳли учун ҳам муқаддас саналади. Азал-азалдан бу ерга узоқ-яқиндан одамлар келиб, зиёрат қилиши бор гап, — дейди 62 ёшли тунукасоз хунарманд Аловуддин



Абдураззоқов. — Афсуски, тарихий обидамиз йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди.

Шу ўринда масжиднинг кириш қисми — дарвозасини бундан аввал бузишға уринган усталар кўп ўтмай бетоб бўлиб қолиганини айтиш жоиз...

Дарвоза қисмидаги меъморий кўриниш реставрация қилиниб, нураб ётган қисмларига эътибор қаратилса, мақсадға мувофиқ бўларди. Шу ерда тирикчилик қилаётган хунармандлар кўлимиздан келганича атрофни тоза сақлашға интиляпмиз. Биз ҳам маҳалла фуқаролар йиғинининг бошқа жойға кўчиши ва «Сирли масжид» ёдгорлигининг сақлаб қолиниши ва сайёҳлар учун чинакам зиёратгоҳға айланишини истаймиз.

Ҳа, чиндан ҳам ушбу масалаға оид қарорлар ижро этувчи маҳаллий ҳокимият томонидан тўлақонли бажарилмай қолаётгани маданий мерос объектларига бўлган эътибор ниҳоятда саёз эканини кўрсатади.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколат доирасида ҳудудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобға олиши, муҳофаза қилиши, асраши ва улардан фойдаланиши белгилаб қўйилган. Дарвоқе, 2017-2019 йилларға мўлжалланган дастур асосида кўпқаватли уйлар ва бинолар қурилиши ҳамда автомобиль йўлларининг кенгайтирилиши ҳисобига тарихий обида дарвозаси ва қолган бинолари ҳам бузиб юборилиши кўзда тутилаётганиға нима дейсиз?! Наҳотки, Исломи дини ривожига улкан ҳисса қўшган алломулар яшаган заминимизда ажодларимиздан қолган маданий мерос объектларини келажак авлодларға асл ҳолиға етказиш, ёшларнинг тарихимизни теран англаб етишида муҳим аҳамият касб этадиган бундай муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш ўрниға, уларни ҳуда-бехудаға бузиб ташлаверсак...

Ғайратжон ТҲИЧИБОВ,  
ЎзМТДП Наманган вилояти  
Кенгаши раиси

Ахборот оқими кескин ошиб, оммавий маданият хуружи кучайган, халқро интеграция эса фаоллашган бугунги глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни ҳам тобора мураккаблашмоқда. Маълумки, бугунға келиб, одамлар, айниқса, ёшлар ҳақиқий ва айни пайтда виртуал оламларда яшамоқдалар. Улар реал оламдаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўлишяпти. Виртуал оламда эса ёвузлик, босқинчилик, фоҳишабозлик сингари манший бузуқликларни тарғиб қилувчи хориж фильмларидаги ташвиқотларни кўриб улғайишмоқда.

## Ёшлар маънавий тарбиясида «Бешта муҳим ташаббус»нинг ўрни

Шу ўринда реал ҳаётдаги ҳоҳ-ҳавасли ҳолатлар ёшлар эътиборини кўпроқ ўзига тортаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, маҳаллада бирор жойда дурустроқ ўқимаган, турли йўллар билан моддий бойликка эга бўлган одам данғиллама уй қуриб, қимматбаҳо машиналарда юрибди. Бу эса ёшлар онгида «ҳеч қаерда ўқимасдан, меҳнат қилмасдан ҳам бойликларға, ҳурматға сазовор бўлиш мумкин экан», деган фикрни келтириб чиқаряпти.

Интерактив оламда эса босқинчилик, ўғирлик, ваҳшийликни кўрган болалар онгида жиноят содир этса ҳам ҳеч қандай жазо берилмас экан, деган фикр пайдо бўлмоқда. Бундай мураккаб шароитда ёшларға таълим-тарбия бериш жараёниға анъанавий усуллар билан ёндашиш афсуски, қутилган натижаларға тўлиқ эришиш имконини бермай қўйди.

Ҳеч кимға сир эмас, ёшларнинг руҳий тарбияси асосан маънавий-маърифий тадбирлар орқали амалға оширилади.

Янги авлод вакилларининг маънавий-маърифий тарбиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишға қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган «Бешта муҳим ташаббус» алоҳида ўрин тутди.

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишға, истеъдодини юзаға чиқаришға хизмат қилувчи биринчи ташаббус ёшларимиз онгиға мумтоз миллий мусиқамиз, санъатимиз, адабиётимиз, умуман олганда, миллий маданиятимизни сингдиришға қаратилгани билан муҳим.

Руҳиятидан миллий мусиқамиз ўрин эгаллаган, мусиқаларни миллий чолғу асбобларида чалиб кўрган, қўшиқларимизни ҳеч бўлмаса хиройи қилган ёки жаҳон классик мусиқаларини тинглаган, пианино чалишни билган ёшларимиз саёз мусиқаларни қабул қилмайди, албатта.

Ёшларни жисмонан чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишға йўналтирилган иккинчи ташаббус эса ёшларимиз орасида спиртли ичимликлар ичиш, чекиш, турли наркотик ва наркотропик моддалар қабул қилиш каби салбий иллатларнинг кескин камайишиға олиб келади. Ёшлар орасида, қолаверса, омма орасида жисмоний тарбия маданияти ривожланади. Спорт билан шуғулланувчиларда одатда ичиш, чекиш, наркотик ёки наркотропик моддалар қабул қилиш каби зарарли иллатлар мутлақ бўлмайди.

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишға қаратилган учинчи ташаббус ёшларда ахборот технологиялари ахборот интернетдан оқилона фойдаланишни шакллантиради. Ёшларимизни интернетдаги турли зарарли хуружлардан асрайди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишға йўналтирилган тўртинчи ташаббус ҳам ёшларнинг маънавий дунёқараши ўсишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Маълумки, китоб ўқиган кишининг мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади, маданияти, дунёқараши кенгайди. Китоб инсонға маънавий озуқа беради, тафаккурини бойитади, илмий ва ижодий салоҳиятини орттаради. Китоб инсонларни камолот сари етакловчи муҳим маънавий хазина ҳамдир.

Сир эмаски, олий таълим муассасаларига киролмай қолиб, вақтинча ишсиз бўлиб қолган қизларимиз қишлоқ ҳудудларида кўпроқ учрайди. Бирор фойдали машғулот билан шуғулланмаслик инсон, айниқса,

хотин-қизлар руҳиятиға ёмон таъсир этиши ҳаммамизға маълум. Президентимиз томонидан илгари сурилган хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутувчи бешинчи ташаббус шу маънода ҳам ўта муҳимдир.

Университетимизда ҳам Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус хусусиятларидан келиб чиқиб, тизимли ишлар амалға оширилмоқда. Хусусан, «Бешта муҳим ташаббус»нинг мазмуни ва моҳияти барча гуруҳлар, кафедралар, факультетларнинг кенгайтирилган йиғилишлари, университет кенгашида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Бешта ташаббусни университет талаба ёшлари ва бутун жамоаси орасида амалға оширишнинг шакл ва усуллари университет хусусиятларини инобатға олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Маънавий-маърифий, тарбиявий фаолиятни ташкил этиш режасининг асосий мазмуни ҳам бешта муҳим ташаббус асосида бойитилди. Жумладан, факультетларда мусиқа ва театр санъатиға доир ҳаваскорлик тўғараклари, қувноқлар ва зукколар жамоалари, рассомлик, адабиётшунослик тўғараклари ташкил этилди. Уларға истеъдодли ёшлар жалб этиляпти. Бундан ташқари тўғараклар, виртуал клублар, турли танловлар ташкил қилиниб, семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Жумладан, «Меҳнатлик ва робототехника» кафедраси қошида ташкил этилган «Робототехника» тўғараги турли халқро ва республикамизда ўтказилаётган танловларда ғолиб бўлмоқда. Шунингдек, ушбу тўғарак аъзолари Тошкент шаҳри, Олмасор туманидаги меҳрибонлик уйи ва мактабларда робототехника тўғараклари ташкил қилиб, ўқувчи ёшларға ушбу соҳанинг сир-синоатларини ўргатиб келишмоқда.

Интернетдан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида университет бинолари, талабалар турар жойларида wi-fi зоналари ташкил этилган.

Ахборот ресурс маркази ва унинг филиалларида ҳам янги китоб кўрғазмалари, китобхонлик конференциялари, шеърят кечалари ўтказилмоқда. Университет ўқув биноларида «Келажакка янгича назар» шiori остида «QR Book service» электрон китоблар жамланмаси ташкил қилинган. Ушбу электрон ахборот марказиға 10 000 дан ортиқ адабиётларнинг электрон нусхалари жойлаштирилган.


Маълумки, ёшлик-жўшқин ҳаракат, интилиш, қизиқиш, орзулар, шижоат, бунёдкорлик ва эртанги кун истиқболға замин ҳозирлайдиган улкан имкониятлар давридир. Шу сабабли ҳам ёшларимизнинг бўш вақтларини ўзлари қизиққан соҳаларига йўналтириб, уларнинг яширин истеъдодлари намоён бўлишлариға катта имкониятлар яратилади. Иккинчидан, ахборот коммуникацион технологиялар ва интернетдан самарали фойдаланиш кўникмаларига эга бўладилар. Учинчидан, маънавий тарбиядаги энг муҳим масалалардан бири — ёшларимизда маънавий иммунитет кучаяди.

Бир сўз билан айтганда, «Бешта муҳим ташаббус» жойларда ҳар бир таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларда изчил амалға оширилмоқда. Бизнингча, ушбу ташаббус умумхалқ ҳаракатиға айлан-тирилса, маданиятни, дунёқараши кенгайди. Китоб инсонға маънавий озуқа беради, тафаккурини бойитади, илмий ва ижодий салоҳиятини орттаради. Китоб инсонларни камолот сари етакловчи муҳим маънавий хазина ҳамдир.

Сир эмаски, олий таълим муассасаларига киролмай қолиб, вақтинча ишсиз бўлиб қолган қизларимиз қишлоқ ҳудудларида кўпроқ учрайди. Бирор фойдали машғулот билан шуғулланмаслик инсон, айниқса,

**Абдулазиз ЮСУПОВ,**  
**Исломи Каримов номидаги**  
**Тошкент давлат техника**  
**университети доценти,**  
**физика-математика фанлари**  
**номзоди**

✓ Агар бемор Навоий даражасидаги шахс бўлмаганда ва унда сакта (инсулт) аломатлари сезилганда, у сарой табиблари хузурига олиб борилиб тиббий кенгашда муҳокама қилинмасдан дарҳол қон олинди, тегишли муолажа қилиниши мумкин эди.



# Алишер Навоийнинг ўлимига ким ва нима сабаб бўлган

## ёхуд журъатсиз «лофчи»нинг қилмиши

Алишер Навоийнинг аждодлари узоқ йиллар теурийлар саройида юқори лавозимларда хизмат қилган. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобурнинг сарой амалдорларидан, кейинчалик эса Сабзавор шахри ҳокими ҳам бўлган. Бу ҳолат ака-укалар – Бахлулбек, Алишер ва Дарвешалиларнинг шахзодалар билан бирга ўсишига сабаб бўлди.

Хусайн Бойқаронинг Хуросон тахтини эгаллашдан кейин Бахлулбек Хуросонга қарашли бўлган Хоразмнинг, Дарвешали Балхнинг ҳокими бўлди. Алишер Навоий эса муҳрдорликдан бош вазирага бўлган юқори лавозимларда фаолият кўрсатди.

Бироқ, барча даврларда бўлганидек, саройдаги сиёсий ўйинлар, фитна ва низолар туфайли баъзида ҳукмдор билан келишмовчиликлар, дилхиралликлар ҳам бўлиб турган.

Гарчи Навоий бутун умрини ижодга бағишласада, шу сабаб давлат лавозимларидан бир неча марта истеъфо берса-да, Хусайн билан болалиқдан дўстлиги уни салтанатдан узоққа кетишига йўл қўймас эди. Вақт ўтиб, Хусайн салтанатда Навоийнинг руҳи ва қалбини ларзага солувчи, юрагини ўртовчи воқеалар авж олди.

Дастлаб, 1497 йил Навоийнинг севимли шахзодаларидан бири, султоннинг набираси Мўмин Мирзо ўз бобосининг фармони билан қатл этилди, шоирнинг ўз фарзандидек қадрли бўлган жияни Ҳайдарбек 1499 йил давлатдан норози кайфиятдаги шахс сифатида ўлдирилди, укаси Дарвешали давлатга хоинликда айб-

ланиб, Балх ҳокимлигидан бўшатилади.

Шунингдек, бош малика Хадичабегиمنىнг турли фитна ва иғволари туфайли салтанатда ўзаро низоларнинг кучайиши сингари воқеалар 1500 йилга келиб Алишер Навоийнинг юрак, қон-томир тизими билан боғлиқ хасталигини кучайтишига олиб келди.

1500 йилнинг декабрида Султон Хусайн исён кўтарган ўғли Муҳаммад Мирзо билан ярашиб, Ҳиротга қайтаётганида, уни кутиб олувчиларга бош бўлиб Навоийнинг ўзи йўлга чиқади.

Кўришиш маросимида шоир ҳушидан кетади ва султон уни ўз шоҳона маҳофаси (ётиб кетиш ҳам мумкин бўлган кажава)да тезлик билан шаҳарга элтиш ҳамда зарур муолажалар қилинишини буюради. Навоийнинг ташқи кўриниши ва томир уришида сакта (инсулт, мияга қон қуйилиши) аломатлари мавжуд эди.

Бунинг давоси (ёки биринчи ёрдам) эса қон олиш бўлган. Бу воқеаларнинг бевосита иштирокчиси, Навоийнинг севимли шогирди, тарихчи Хондамирнинг маълумот беришича, шоирнинг хасталигида сакта аломатлари борлигини шу ердаги табиблар ва ҳатто, Хуросоннинг бош табиби Абдулхай-

туний ҳам пайқаган.

Табиблар Хусайн Бойқаро хузурида мутасаддилар ва бош табибга Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобида сактага чалинганлардан биринчи навбатда қон олиш зарурлиги ҳақида маълумот келтирилганлигини ўқитишган. Лекин бош табиб бунга амал қилмаган.

Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: "... табобат илмида хабардор бир гуруҳ кишилар "касалик соғайиши учун шу ердаёқ бемордан қон олиш лозим", дейишди. Аммо табобатдан лофоқ уриб юрувчи мавлоно Абдулхай Туний (Хондамир Навоийнинг ўлимида мазкур бош табибни айблайдиган ва унга нисбатан "лоф урувчи табиб" иборасини ишлатади) буларга қарши туриб "даволашда хато рўй бермаслиги учун Ҳиротда табиблар йиғилгач, кейин муолажани бошлаш керак", дея туриб олди.

Ҳазрат султоннинг яқин кишисини (Навоийни) маҳофага ётқизиш, йўл сари юзланаётган пайтда Амир Алишернинг неъматлари денгизига фарқ бўлган бу давлатхоҳ банди (Хондамир ўзини айтмоқда) ташвишга тушиб, "касалик зўрлиги шу даражадаки, агар қон олиш ишида кечикиш юз берса, сўнг бу хатони туза-

тиб бўлмайди", дедим. Хожа Абдулло жаноблари (Хусайн Навоийни Ҳиротга олиб боришга жавобгар этиб белгилаган амалдор) иккиланиб қолиб, мансур хоқон олдига бир чопар юборди.

Ҳазрат эса "бемор томиридан ўша ердаёқ дарҳол қон олинсин", дея буюрди. Аммо чопар қайтиб келгунча ва қон олувчини топгунча уч фарсах (18-20 км.) масофадан босиб ўтгани боисидан фурсат қўлдан берилиб, шу сабабли қортиқ (қон олишда ишлатиладиган нина) кўйиб қон олинганида, беш-олти сёр (350-400 гр)дан кўп қон чиқмади. Уйга элтишгач, табиблар яна бир марта қон олмоқчи бўлдилар. Аммо иш қўлдан чиққани учун бирор фойда бермади".

Мана шу касаллик сабаб Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январь тонгида, 60 ёшга тўлиш арафасида вафот этди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Хуросондек улкан давлатнинг бош табиби бўлиш даражасига эришган Абдулхай Туний фаолияти давомида юзлаб беморларни, шу жумладан, инсултга чалинганларни ҳам даволаган, Ибн Синонинг "Тиб қонунлари"ни ҳам ўқиган.

Лекин бош табибнинг бемордан зудлик билан қон


олмаслигига сабаб Султон Хусайннинг энг яқин кишиси, буюк мутафаккир, улуғ шоирнинг ҳаёти борасида таваккал қилишдан кўрққанлиги, бундан ташқари, султондан ўз вақтида махсус кўрсатма бўлмаганлигидан, журъатсизлик қилгани бўлди.

Агар бемор Навоий даражасидаги шахс бўлмаганда ва унда сакта (инсулт) аломатлари сезилганда, у сарой табиблари хузурига олиб борилиб тиббий кенгашда муҳокама қилинмасдан дарҳол қон олинди, тегишли муолажа қилиниши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам ҳукмдорлар ва уларга яқин кишилар оғир дардга чалинганда бирор табиб масъулиятни ўз зиммасига олиши ниҳоятда мушкул вазифа эди. Алишер Навоий эса, таъбир жоиз бўлса, ҳукмдорлардан ҳам юқори мавқедаги шахс бўлиб, унинг соғлиги борасида ҳатто, бош табиб ҳам таваккал қила олмас эди.

**Акбар ЗАМОНОВ,**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори, катта  
илмий ходим.  
**Зиёда МАМАЖОНОВА,**  
Фарғона вилояти  
Ўзбекистон туманидаги  
49-мактаб ўқитувчиси

## Маънавият



Бундан қирқ йилча аввал бир қатор ОАВда бой берилганда кўпчилик мийиғда кулиб, «қуруқ ваҳимани йиғиштиринглар» қабилда жавоб қайтаргандилар.

Айнан ана шундай ха-вотирлар асносида ёшлар масаласига юзаки қаралаётгани, бу эртами, кечми ўз «ҳосили»ни бериши такрор ва такрор таъкидланган эди ўшанда.

Бироқ...

Бироқ айрим кучлар, тўғрироғи, жамиятларни гоёсизлантиришга астойдил ҳаракат қилаётган ва аксарият ҳолларда бунга эришаётган турли марказлар кўҳна қитъани аллақачон ҳосизлантириш ишларини бошлаб юборган эдилар. Мана оқибат. Бир жинслилар ўртасидаги никоҳни ёқлаганлар ёки ёқлаттирганлар, туғилиши гўёки хавф сифатида қабул қилганлар ёки фарзандсизлик гоёсини тарғиб этганлар ниҳоят ўз ниятларига эришдилар.

Этибор беринг, куни кеча Франциянинг 2007 – 2012 йиллардаги президенти Николя Саркози бугунги Европа жуда оғир инқирозни бошдан кечираётганини таъкидлади. Собик президент шарқ ва ғарб оламидаги ўзгаришларни таҳлил этиб, жаҳон маркази сифатида Шарқ кўпроқ танилиб бораётганига этибор қаратди. «El Mundo» газетасида чоп этилган мақолада шундай фикрлар бор:

«Агар кимдир муаммо фақат сиёсий партиялар би-

лан боғлиқ, деб ҳисобласа, қаттиқ адашади. Улар Европа ва Ҳарбнинг таназзулини эътибордан четда қолдирмоқда. Асрлар бўйи дунёнинг маркази Ҳарб деб қараларди: бугунга келиб эса ушбу марказ Шарққа қараб силжиган. Сайёрамизда 7 миллиард аҳоли яшайди. Шундан 4 миллиарди Осиё ҳудудига тўғри келади, «марказ»да эса (Европа назарда тутиляпти) 800 миллион киши яшайпти. Биз энди демографик сабабларга кўра дунё маркази бўлолмаймиз».

Франциянинг собиқ раҳбари 27 давлатдан ташқил топган Европанинг ягона тузилма бўла олиш имкониятига ҳам шубҳа билан қарашини яширмади.

Шу ўринда Европани бирлаштириш масаласида Франциянинг амалдаги президенти Эммануэль Макрон ҳам яқинда ўз ташвишини яширмаганини айтиш жоиз. Унинг фикрича, Европа уйғониши ва қудратини ошириши лозим, чунки у ҳозир жар ёқасида.

Бундан аввал Макрон Ҳарбнинг дунёга устуналик қилиши ниҳоясига етаётганини, бир қатор давлатлар тобора кучайиб бораётганини, хусусан, ушбу рўйхатда, шубҳасиз, Хитой етакчилиги қилаётганини таъкидлаган эди. Қолаверса, Макрон Россиянинг стратегиясини «жуда муваффақиятли» дея таъкидлаганини ҳам қайд этиш жоиз.

Улуғбек  
АБДУРАҲМОНОВ

Тўйиб овқатланмаслик, оғир жисмоний меҳнат, ночор ётиш-туриш, ҳорғинлик ошкор бўлгач бунинг сабабларини аниқлашга киришилган. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистонга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш учун махсус бригадалар юборилган.

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Маълумки, 1941–1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган ўша давр ибораси билан номланган «Қуролсиз аскарлар» ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдири, буюк ғалабага қўшган ҳиссаси бениҳоя улкандир.

Аммо Ўзбекистон тарих-шунослигида мазкур масала ўрганилмай келинмоқда. Мисоллар келтирамиз. 2000 йили 16 нафар муаллимдан иборат гуруҳи томонидан тайёрланиб, нашр этилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» китобида «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида» номли боб (429–500-бетлар) китобида «меҳнат армиячилари» ёки «қуролсиз аскарлар» ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Орадан 19 йил ўтиб, 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ томонидан «Ўзбекистон» нашриётида 89.24 босма табоқдан иборат икки жилдлик «Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)» китоб нашр этилди.

Китобнинг иккинчи бўлими III боби «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида» (5-76-бетлар). Бу академик нашрда ҳам Ўзбекистондан олинган меҳнат армиячилари, яъни «қуролсиз аскарлар» ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи» фани бўйича дарслик ва қўлланмаларда ҳам бу мавзу ёритилмай қолиб кетган.

Бу ҳолатни Ўзбекистон тарихи бўйича нашр этилган бошқа дарслик, қўлланмаларда ҳам кўриш мумкин. Хуллас, Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлардан меҳнат армиясига олинганларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси мутлақо ёритилмай келинган.

Ваҳоланки, ҳатто совет даврида мазкур мавзунинг ёритишга эътибор қаратилган эди. Бу ўринда куйидаги мақолаларни кўрсатиб ўтиш лозим.

Бироқ биз тарихчилар бу мақолаларга эътибор бермай келганмиз. Аммо Россия тарихчилари Иккинчи жаҳон уруши даврида Урта Осиё ва Қозоғистондан меҳнат frontiга олинган ва мамлакатнинг Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Челябинск ва бошқа худудларига ўзбек, қозок, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари сафарбар қилинган.

Улар фронт, мудофаа учун мислсиз қийинчиликлар, очарчиликлар шароитида фронт талабини қондириш, душман устидан ғалаба қозониш учун қурол-аслаҳа, ўқ-дори, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаб юборишда мислсиз қаҳрамонлик, жасорат кўрсатиб меҳнат қилишган.

Бу жараёнда меҳнат армиячилари сафиди кўпдан-кўп қурбонлар ҳам бўлган. Изғирин совуқ, турар-жойлар нобоплиги, озиқ-овқат танқислиги, очарчилик, оғир меҳнат, юртдан ташналик ва бошқа бир талай сабаблар оқибатида Ўзбекистондан сафарбар этилган меҳнат

# УЛАРНИ ЖАҲОННАМГА ЮЗЛАДАН ЮЗЛАДАНЛАР КИМ?

армиячиларининг маълум қисми ҳалок бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мазкур мавзу Россия Федерацияси олимларининг айримлари диққатини ҳам ўзига тортди. Улар Ўзбекистондан борган меҳнат армиячиларининг ғалабага қўшган буюк ҳиссасини илмий асосда яратиш борасида талайгина тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Бу ўринда Владимир Павленко, Г.А.Гончаров, Б.Д.Шмыров, Ю.И.Будников, Мария Передокларнинг мақолаларида ҳам Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистондан сафарбар қилинган меҳнат армиячиларининг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида фактик материаллар мавжуд.

Озми-кўпми, бу маълумотлар бўлгани ҳолда биз Ўзбекистон тарихчилари Иккинчи жаҳон урушида фашизм балосидан дунё цивилизациясини сақлаб қолишда буюк ишга ўзбек халқининг қўшган катта ҳиссасини тўлароқ кўрсатиш масаласига у қадар эътибор бермаганлигимиз, ўзимиздан олдинги муаллифлар тадқиқотлари билан қизиқмаганлигимиз, умуман мазкур мавзуга жиддий эътибор бермаганлигимизнинг оқибатидир.

1941 – 1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган, ўша давр ибораси билан айтаганда, «қуролсиз аскарлар» ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдири, буюк ғалабага қўшган ҳиссаси Ўзбекистон тарихидан ҳозиргача муносиб ўрин олганича йўқ.

Ваҳоланки, хорижда, айнисига, Россиядаги тадқиқотларда бу масала бўйича маълумотлар келтирилган. Масалан, 1941–1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Тошкент области ҳарбий комиссариатидан экстремал ҳолатда эшелонда 1700 киши Бошқирдистонга жўнатилган. Уралдаги мудофаа саноати завод ва фабрикаларида 32 620 нафар ўзбек ишчиси фаолият кўрсатган.

Иккинчи жаҳон уруши Урта Осиё аҳолисининг миқдори ва таркибига нисбатда салбий таъсир кўрсатди. Унинг умумий миқдори 1940 йилдаги 10906 минг кишидан 1945 йилга келиб, 8982 минг кишига тушиб қолди ёки 1924 минг нафарга қисқарди.

Аҳолининг ёш ва жинсий таркиби анча вақтгача уруш арафасидаги ҳолатини тиклай олмади. Шу даврда фронт олди худудларидан келтирилган корхоналарни тиклаш баҳонасида ўн минглаб аҳоли мамлакатнинг Европа қисмидан Урта Осиёга кўчириб келтирилди.

Айни вақтда, Урта Осиё – юртидан бадарға қилинган миллатлар яшайдиган ўзига хос сургун жойи бўлиб қолди. Урта Осиёга уруш даврида меҳнати туркларни, Қрим татарлари, Волгабўйида яша-

ган немислар, чеченлар, сал аввалроқ корейслар ва бошқа халқлар сургун қилинди. Коммунист арбоблар шу йўсинда Урта Осиёни «байналмилал маскан»га, «халқлар дўстлиги қалъаси»га айлантirmoқчи бўлдилар.

Фашизм босқинига қарши кураш олиб бориш учун кўп миңглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар меҳнат frontiга сафарбар этилган. Саноат, айниқса, мудофаа саноати ва унинг барча тармоқлари ишчи кучига муҳтожлиги фавқулодда ортган эди. Ғалаба учун қўшимча ишчи кучини сафарбар қилиш ва ундан самарали фойдаланиш душман устидан ғолиб бўлишнинг муҳим омилларидан бирига айланб қолганди.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 23 июлдаги қарори билан меҳнат армиячиларининг фаолияти ҳаракатдаги қўшинларда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан тенглаштирилган.

СССР Олий Совети 1942 йил 13 февралда «Ҳарбий вақт даврида ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари учун меҳнатга лаёқатли аҳолини сафарбар қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Натижанда ҳарбий саноат ва қурилиш миллионлаб меҳнат армиячилари билан таъминланди.

К.Хусенов 1943 йили РСФСРнинг 14 областида, 4 автоном республикасида ва Красноярск ўлкасида 60 миңга яқин ўзбеклар ишлагани, ишчи ўзбекларнинг яшаш шароитлари тўғрисидаги масала ВКП(б) район, шаҳар ва областлар комитетларида бир неча бор муҳокама этилиб тегишли қарорлар қабул қилинган, тадбирлар, амалий чоралар қўрилгани, 1943 йил 12 июнда Ново-бирскда, 16 сентябрда Пермда бу масала партия комитетлари йиғилишларида кўриб чиқилганини ёзган.

**ЎЗБЕКЛАРНИНГ КАТТА ЖАМОАСИ ИШЛАГАН**

Урал заводларидаги қурилишда ва Красноярск ТЕЦда бу ерга келган ўзбекларнинг катта жамоаси ишлаган. Улардан кўплари фидокорона меҳнат қилишган. Ишчи Ақром Ортиқов гвардиячи вахтада нормани 140 фоизга, бетон заводи шофёри Бобоев 120 фоизга, слесарь Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган.

Иркутск областидаги 4-қурилиш трестида ишлаган 47-бригададаги ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943 йили режани ортиги билан бажарган.

Мудофаа заводлари, шахталар ва қурилишларда ишлаган ўзбек «қуролсиз аскарлари» турли хил мураккаб мутахассисликларга эга бўлганлар. Кўплаб ўзбеклар рус ишчилари оилаларида яшаб, улар билан бирга яхши ва ёмон кунларни кечирганлар.

Қашқадарё областидаги собиқ колхозчи Э.Турғунбоев Уралдаги меҳнат фаолиятини эслаб рус халқи шаънига катта миннатдорчилик

ҳис-туйғуларини шундай ифодалаган эди: «С первых же дней моей работы подручным вальцовщик Миша Мурзиенко стал моим другом и учителем. Он научил меня своему мастерству, помог освоить процесс производства. Миша и его жена приняли меня в дом как родного, и за все время пребывания на Урале я никогда не чувствовал себя одиноким».

Иккинчи жаҳон уруши даврида Урал мудофаа саноатининг муҳим маркази бўлган. Минтақанинг жуғрофий жойлашуви, фронтдан жуда олислиги бу ерни индустриал марказга айланттирган.

Темир йўл коммуникацияси ҳам анча ривожланган эди. СССРнинг Европа қисмидан урушнинг дастлабки икки йилида худудга 730 корхона эвакуация қилинган. Даставвал урушга сафарбар этилган мамлакатдаги немислар 1941 йил октябри – 1942 йил майида Уралдаги меҳнат-тузатув лагерларига жойлаштирилган. Немис миллатига мансуб фуқаролар қизил армия ҳарбий қисмларидан чиқариб юборилган ва улар қурувчилар қисмига жойлаштирилган, Уралдаги меҳнат тузатув лагерларида меҳнат қилганлар.

СССР Давлат Мудофаа Комитетининг 1942 йил 14 октябрдаги «Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон республикаларидаги ҳарбий хизмат ўташлари лозим бўлганларни қурилиш ва саноат корхоналарида ишлаш учун сафарбар қилиш тўғрисида»ги №2414 СС қароридан Урта Осиё ҳарбий округида Ўзбекистон бўйича ёши 19 дан 50 гача бўлган ҳарбий хизматга мажбур бўлган 150 000 ўзбекистонлик маҳаллий ҳарбий комиссариатликлар томонидан сафарбар қилиш кўрсатилган.

Қарорда сафарбар қилинганлар ўзларининг қишқикийими, захира ички кийимлари, кўрпа-тўшаклари, идиш-товуқлари, қошиқ ва 10 кун муддатга етадиган захира озиқ-овқатлари билан етиб келишлари кўрсатилган.

Сафарбар қилинган шахарликлар учун Савдо халқ вазирлигида 10 кунлик озиқ-овқатни нақд пулга сойтишга рухсат берилган.

Шулардан 35013 нафар ҳарбий хизмат ўтайдиганлар Уралга меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Улар УОХОдан 1943 йил баҳорида сафарбар қилинганларнинг катта қисмининг ташкил этган.

1943 йил 15 апрелдаги маълумотга кўра, Ўзбекистондан 67000 киши Урал регионига жойлаштирилган: «Свердловск областида 15131 киши, Челябинскда 2427 киши, Молотов областида 2212 киши, Чкаловскда 2529 киши, Бошқирдистон АССРда 2357 киши ва Удмуртия АССРда 2970 нафар ўзбеклар меҳнат қилишган».

**САФАРБАР ЭТИЛГАНЛАР**

Ўзбеклардан ташқари бу ерларга бошқа миллат

вакиллари – тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қозоқлар сафарбар этилган. Уларнинг умумий миқдори 30000 кишини ташкил этган. 1943 йили УОХОдан Уралга сафарбар этилганларнинг умумий улуши 41,5 фоиздан иборат бўлган. 1943 йил ёзида уларнинг миқдори Уралда 73000 кишига етган. Чкаловск областида 8000 киши, Молотов областида 12692 киши, Свердловскда 27000 га яқин киши, Челябинскда 20000 га яқин, Бошқирдистон АССРда 2500 кишидан кўпроқ, Удмуртияда 3000 га яқин киши. Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третьякова уруш йилларида 51-сонли қурилиш трестига Бухоро ва Сурхондарё областларидан миң нафар ўзбек келтирилгани, улар турли ёшда ва турли касбда бўлганини таъкидлайди.

Г.Д.Селянинованинг ёзишича, 1943 йил ёзида Пермдаги Молотов номли заводда 978 ўзбек, Киров номли заводда 200 ўзбек, 90-сонли заводда 800 га яқин ўзбек ва 60 қозок, 103-сонли заводда 50 ўзбек, 12-қурилиш трестида 70 ўзбек ишлаган.

Тадқиқотчи К.А.Моргуновнинг маълумотига кўра, Орск шахридаги корхоналарда 7 миң ўзбек (шундан 500 нафари нефть заводи қурилишида), Чкалов шахрида 700 ўзбек, Медногорскда 200 ўзбек ишлаган.

СССР Давлат Мудофаа Комитети 1942 йил 5 декабрда «Ўзбекистон металлургия комбинати қурилиши учун ҳарбий хизматга мажбур бўлган 2.5 миң корейсларни сафарбар қилиш тўғрисида» қарорини қабул қилган.

1943 йил қуздан Урта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар қилинганлар миқдори камай бошлаган ва 1944 йил ўрталарига келиб, уларнинг сони 22000 кишига тушиб қолган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов республика партия ва ҳукуматида «Зудлик билан республика ҳарбий комиссариати ва Марказкўмининг ҳарбий бўлими томонидан корейс миллатига мансуб чақирилувчилардан металлургия комбинати учун юқори малакали дурадгор ва тош терувчиларни сафарбар қилиш кераклигини айтган.

Айни пайтда бу корейслар Бешёғочдаги ҳозирги Муқимий театри қурилишида ҳам ишлаганини билишимиз мумкин.

Меҳнат армияси шахсий таркиби миқдори кўпайган давр 1943 йил ўрталарига тўғри келади. Бу вақтда уларнинг миқдори 190000 кишини ташкил этган, фоиз ҳисобида 61,7 фоиз бўлган.

Урта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар этилганларнинг 73 фоизи Уралдаги мудофаа саноати корхоналарида меҳнат қилган. Урал газеталари саҳифаларида ўзбек ва тожик ишчиларининг фронт, ғалаба учун фидокорона меҳнатлари ёритиб берилган.

Уралмаш заводи Голов бошлиқ бўлган механика цехида Рустам Турдиев ва Ҳасан Тўхтабоевлар нормани 150 фоизга бажаришган. Назаров цехида звено юк ташувчиси Ҳақбердиев, тожик Мардон Носир ва ўзбек Мамат Эргашевнинг меҳнат жасоратлари «За тяжелое машиностроение» газетасининг 1943 йил 9 феврал сониди намуна сифатида кўрсатиб берилган.

Газетанин 11 феврал сониди эса бундан бир неча ой олдин Ўзбекистоннинг қишлоқларидан заводга янги ишчилар келгани, улар аввал бундай заводлардаги ишлаб чиқаришни кўрмаганлиги, аммо кўпчилиги дастлабки кунлардаги ҳарбийларнинг ҳужумлари учун фидокорона меҳнатнинг аҳамияти бениҳоя катталигини англаганлари, 19 ёшдаги Ҳасан Тўхтабоев мустақил равишда станокда меҳнат қилиб нормани 150 фоиз бажаргани қайд қилинган.

Меҳнат армиясидагилар мислсиз оғир шароитда ҳаёт кечирганлар. Уларнинг маълум қисми цехларда ишлаб, шу жойда овқатланиб, шу жойда яшаб, ухлаб кун кечирганлар.


Улар завод ва фабрикалардаги ошхоналарда тайёрланган чўчка гўшти, колбаса, балиқ ва бошқа овқатларни емаганликлари учун жуда ҳам озгин, меҳнатдан тинка мадори қуриган ҳолда ҳаёт кечирганлари ҳужжатларда қайд этилган. Улар орасида ўлим даражаси юқори бўлган. Дафн этиш учун кафанлик маъмурият томонидан берилмаган ҳолатлар кўп бўлган.

Тўйиб овқатланмаслик, оғир жисмоний меҳнат, ночор ётиш-туриш, ҳорғинлик ошкор бўлгач, бунинг сабабларини аниқлашга киришилган. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистонга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш учун махсус бригадалар юборилган.

Бу ҳар икки республика томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари юкчанган эшелонлар юбориб турилган. Бир қанча завод ва корхоналарда ўзбекча таомлар тайёрлаш йўлга қўйилган, «Уралмаш» заводи атрофида чойхоналар пайдо бўлган. Лекин кўк чой бўлмаганидан мевали чой дамланган. Меҳнат ишчилари қоп-қоронғи, ифлос, иситилмайдиган ертўлаларда ухлаганлар, чойшаб-қурпалар бўлмаган.

Хуллас, Урал, Сибир, Узоқ Шарқ ва Ўзбекистоннинг ўзида жасоратли меҳнат қилиб, фавқулодда мислсиз оғир шароитларда фронтлар учун зарур бўлган қурол-аслаҳа, ўқ-дориларни яратиб фронтга жўнатган юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати билан буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихимизда муносиб ўрин олган.

**Р.ШАМСУТДИНОВ,**  
Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори



✓ Биз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, давлат идоралари ва раҳбарларнинг жамият ва халқ олдига ҳисобдорлигини оширишга хизмат қиладиган ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН  
ҚЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

**106-БАҒДОД**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ДЕҚҲОНОВ ШУХРАТЖОН ҒОЙИББЕРДИЕВИЧ**

1980 йил 17 майдда Фарғона вилояти, Бағдод туманида туғилган

Мутахассислиги: икътисодчи, давлат бошқаруви

Бугунда тумани ҳокимлигида ўрмонбосари-инженерлик ва таълим савдо бўлими бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**107-РИШТОН**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**БЕКМИРЗАЕВА МУҚАДДАСҲОН ЭРҒАШЕВНА**

1970 йил 27 июлда Фарғона вилояти, Риштон туманида туғилган

Мутахассислиги: бошланғич синф ўқитувачиси

Риштон тумани ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**108-ОЛТИАРИҚ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**АЛИЕВА МАРҲАБО НОСИРОВНА**

1972 йил 21 майдда Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида туғилган

Мутахассислиги: овозлаш иши

Олтиариқ туманидаги 89-сонли оилавий поликлиника мудири

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**109-ҚУШТЕПА**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**РАХИМОВ ШЕРЗОД АБДУХАЛИЛОВИЧ**

1984 йил 30 июлда Фарғона вилояти, Қува туманида туғилган

Мутахассислиги: тарих

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИҢГ!

**110-МАРФИЛОН**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ЮЛДАШЕВА ДИЛАФРУЗ МАХАМАДАЛИЕВНА**

1975 йилда Фарғона вилоятида туғилган

Мутахассислиги: ўзбек тили ва адабиёти ўқитувачиси

Фарғона давлат университети кафедр мудири

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**111-ФАРҒОНА**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ЖАББОРОВ УМИДЖОН РАҲМОНОВИЧ**

1976 йил 28 июнда Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида туғилган

Мутахассислиги: филолог

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Администрацияси ҳуқуқлари Ахборот ва аймақий коммуникациялар вазирлиги Фарғона вилояти ҳуқуқий бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**112-ВОДИЛ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ҚУРБОНОВ ҲАЛИМЖОН БУВАЖОНОВИЧ**

1965 йил 2 апрелда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган

Мутахассислиги: аяктар алоқа мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Ахборот телекоммуникация ва коммуникациялари вазирлиги Фарғона вилоят ҳуқуқий бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**113-ТОШЛОҚ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ТИЛAVОЛДИЕВ НОДИРБЕК ХАКИМОВИЧ**

1979 йил 24 июнда Фарғона вилоятида туғилган

Мутахассислиги: ҳуқуқшунос

Фарғона вилояти ҳокимлиги котлибият мудири

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**114-ҚУВА**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**МУЙДИНОВ АХРОРЖОН ҚУЗИБОЕВИЧ**

1984 йил 17 апрелда Фарғона вилояти, Қува туманида туғилган

Мутахассислиги: молчи

"Ҳамкорбанк" АТБ Фарғона вилояти филиали бошқаруви раҳибосари

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**115-ҚУВАСОЙ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**МАМАЖОНОВ ЖАХОНГИР ДЕҚҲОНОВИЧ**

1977 йил 17 декабрда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган

Мутахассислиги: дифференциал тенкалавлар

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳуқуқдаи Давлат бошқаруви академияси Фарғона ҳудудий филиали директори

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**116-НАВБАҲОР**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ГАНИЕВ АҲМАДЖОН УРИНБОЕВИЧ**

1981 йил 10 августда Фарғона вилояти, Суў туманида туғилган

Мутахассислиги: тармақлар итисодийети, молчи

Ўзбекистон Республикаси Мотил вазилиги ҳуқуқдаи Бюджетдан таъминоти Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

**117-УРҒАНЧ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**БЕКЧАНОВА ДИЛБАР ЗАРИПОВНА**

1962 йил 20 декабрда Ҳовли вилояти, Урғанч шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: журналист

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Администрацияси Ахборот ва аймақий коммуникациялари вазирлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БERAМИЗ!

Биз мамлакат ичкариси ва ташқарисида ўзбек тилини ўрганиш учун шароит яратиш, шу жумладан, ўзбек тилини ўргатишга йўналтирилган бепул онлайн платформаларни яратишга кўмаклашамиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

**118-БОҒОТ**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**ДАВЛАТОВ МУРАДБЕК САПАРБОЕВИЧ**

1978 йил 4 июнда Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида туғилган

Мутахассислиги: физика, банк иши, меъна

Ўзбекистон Республикаси Мотия вазирлиги Худудлар мотияси бош бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**119-ГУРЛАН**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**АБДИРИМОВ ЗАҒФАР АТАНАЗАРОВИЧ**

1977 йил 13 мадада Хоразм вилояти, Гурлан туманида туғилган

Мутахассислиги: Бизақтария хисоби ва аудит, банк иши

“Аробанк” акциядорлик тижорат банки Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**120-ҲАЗОРАСП**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**ОТАЖОНОВА ЗУЛАЙХО РАЖАБОВНА**

1962 йил 20 июнда Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида туғилган

Мутахассислиги: меҳнат тълъими

Ҳазорасп туманидаги 47-сонли умумий ўрта тълъим мактаби директори

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**121-ХОНҚА**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**РУЗМЕТОВ ХУРСАНДБЕК ЙЎЛДОШЕВИЧ**

1979 йил 20 ноябрда Хоразм вилояти, Янгиарқ туманида туғилган

Мутахассислиги: иктисоди

Янгиарқ туманидаги “Остона шибел оверс” хусусий корхонаси раҳбари

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИҢГ!

**122-ХИВА**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**АТОДЖОНОВ ДЖУМОНОЗОР АЗОДОВИЧ**

1976 йил 11 июнда Хоразм вилояти, Хива шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: физика, иктисоди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**123-ШОВОТ**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**МАШАРИПОВА НАЗОКАТ МАХМУДОВНА**

1975 йил 28 августда Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилган

Мутахассислиги: жисмоний тарбия факи ўқитувачиси

Шовот туманидаги 45-сонли умумий ўрта тълъим мактаби директори

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**124-ҚЎШҚЎПР**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**АҲМЕДОВА МУБОРАК МАРКОВНА**

1969 йил 25 июнда Хоразм вилояти, Қўшқўпир туманида туғилган

Мутахассислиги: санитария ва эпидемиология врач

Урағчи тиббиет коллежи директори

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**125-ҚАРШИ**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**ЗАЙНИЕВ ФАРХОД НУРИТДИНОВИЧ**

1981 йил 30 июнда Қарши шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: меъна, сопақлар ва сликка тортиш, худудчилик

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иктисодий феолият Ишлий банки Қашқадарь вилояти бўлими бошқарувчиси

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**126-БЕШКЕНТ**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**НАСИМОВ ШАВКАТ РИЗАЕВИЧ**

1970 йил 24 августда Бешкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: тоғ-кон мувоамиси

Қашқадарь вилояти Гурор тумани Шўртан нефит ва газ қазиб-чиқариш бошқармаси Профан-Бутан артезики ва иши бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**127-КАМАШИ**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**ҚОСИМОВ ЖАМШИД НОРТОЖИЕВИЧ**

1987 йил 10 январда Қашқадарь вилояти, Камашли туманида туғилган

Мутахассислиги: меъна, инвестиция феолиятлари меъначилари

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигинда Иттиридий тахрир ва меъна бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**128-НИШОН**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**НУРИЛЛАЕВА ШАҲЛО УҚТАМОВНА**

1973 йил 14 ноябрда Қарши шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: бошланғич синф ўқитувачиси

Қарши давлат университети Мақтаба ва бошланғич тълъим факультети декани

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

**129-КОСОН**  
САЙЛОВ ОКРУҒИДАН НОМЗОД

**ОЧИЛОВ ФАРХОД ЭШОНОВИЧ**

1983 йил 10 февралда Қашқадарь вилояти, Косон туманида туғилган

Мутахассислиги: тарихи

Қашқадарь вилояти ҳокимлиги хузурида “Буварларнинг Уани Эзи бошқаруви артезики худудчиликнинг амтирмаси ошариш бўйла “Уюв курс” директори

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА  
БЕРАМИЗ!

✓ Фуқаролар муружаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, бу жараёнда сарсонгарчилик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатга йўл қўйганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш тарафдоримиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА

БУХОРО ВИЛОЯТИДАН  
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

**SAIDOV AKMAL HOLMATOVICH**

130-КАСБИ  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1958 йил 11 октябрда Тошкент вилояти Яқобул туманида туғилган.

Мутахассислиги: ҳуқуқшунос.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик партияси раиси ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши органлари қўмитасининг раиси.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**VOHIDOV ERKIN ZAIROVICH**

131-КИТОБ  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1987 йил 26 ноябрда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган.

Мутахассислиги: информатика ва ахборот технососишлари.

Қарши иттиқосотишчиликнинг олимият хизматлари мақолат-интернети директори.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**NAZAROVA NILUFAR BOYQOBILOVNA**

132-ЧИРОҚЧИ  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1984 йил 9 декабрда Қашқадарё вилояти, Яққабог туманида туғилган.

Мутахассислиги: таржумон.

Қашқадарё вилояти Юридик коллежи директорининг Ёшлар масаласи бўйича ўринбосари.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**JAMALOVA NASIBA RAHIMOVNA**

133-ШАҲРИСАБЗ  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1969 йил 11 мартда Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида туғилган.

Мутахассислиги: иқтисодиши.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Шаҳрисабз шаҳар Кенешчи раиси.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИҢГ!

**RAJABOVA SOJIDA TURDIEVNA**

134-ЯҚҚАБОФ  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1971 йил 15 февралда Қашқадарё вилояти, Яққабог туманида туғилган.

Мутахассислиги: умумий амалиёт шифокори.

Яққабог тумани Тиббиёт бирлашмасида кардиология "Медицина" КДП мудири.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**UMIDILLAEV JAHONGIR XASANOVICH**

135-ҒУЗОР  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1981 йил 9 июнда Қашқадарё вилояти, Қарши туманида туғилган.

Мутахассислиги: механик-муҳандис.

Ўзбекистон Республикаси Айлия өвирлиги хузуридаги Х.Султоналиева номидаги Республика суў экспортиласи мақолати Қашқадарё вилояти бўлими мудири.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**YULDASHOVA MEHRI ORTIQOVNA**

136-ДЕҚҚОНОБОД  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1972 йил 20 январда Қашқадарё вилояти, Деққонобод туманида туғилган.

Мутахассислиги: она тили ва адабиети фани ўқитувчиси.

Деққонобод тумани хоними ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**JABBAROV SANJAR ABDUFATTAHOVICH**

137-МУБОРАК  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1980 йил 9 апрелда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган.

Мутахассислиги: алоқа соҳасида менежер.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Ўзбектелеком Инженерия" МЧЖ қўшма корхонаси "ЎИМ-Кўнлик" филиали директори.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**DAMINOVA SALOMAT MAHMAJUSUPOVNA**

138-КЎҚДАЛА  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1973 йил 2 августда Қашқадарё вилояти, Косон туманида туғилган.

Мутахассислиги: она тили ва адабиети ўқитувчиси.

Қашқадарё вилояти Косон тумани Халқ таълими бўлимида кўнликчи "Соз" уюлмаси ўрта таълим мақолати директори.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**ALIMOV KAMOLJON KOBILOVICH**

139-ОҚТЕПА  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1980 йил 7 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган.

Мутахассислиги: Ўзбек тили ва адабиети ўқитувчиси, журналистика.

Ўзбекистон миллий телевидение компанияси "Соз" телевидениеда "Соз" телемақолати "Ташлиқ, тарбия ва баш олош вестуларни" баш муаввирини ўринбосари.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**SHAMUTALOVA SHOJIDA BOTIROVNA**

140-ДАРХОН  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1977 йил 27 августда Тошкент шаҳрида туғилган.

Мутахассислиги: педогог-психолог; жамият бошқаруви.

"Оила" илмий-амалий педогогик маркази Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиги.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

**XUDAYBERDIEV ALIJSHER TURSUNPULATOVICH**

141-ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

1968 йил 21 маъда Қашқадарё вилояти, Қамаш туманида туғилган.

Мутахассислиги: молия-иқтисодиши.

"Чирчиқ қиллоқ" хўжалиги техниклари жамаъати акциядорлик жамияти баш директори.

**БИРМИЗ!**  
ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

✓ **Партия кучли, барқарор ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришни ўзининг устувор вазифаси, деб билади. Иқтисодий муносабатларда ҳар доим индивидуал ёндашувни таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАН  
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

**142- ҚОРАҚАМИШ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ДОСМУХАМЕДОВ ХУРШИД НАБИЕВИЧ**

1951 йил 8 январда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: журналист

Эркин илҳомкор

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**143- САНОАТ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**АХМЕТЖАНОВА МУҚАДДАС ВАХАБОВНА**

1969 йил 19 майда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: театрийнос

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик Ташкилоти раёсатининг бошқармаси бошлиғи

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**144- ДҲМБРОБОД**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ХУСАНОВА МУХТАБАР АКБАРОВНА**

1983 йил 19 февралда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: ҳуқуқшунос

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**145- БОДОМЗОР**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**МАХМУДОВА УМИДА СУЛТАНОВНА**

1970 йил 10 январда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: педиатр

Юнусобод туманидаги 49-сонли оқилвий поликлиника бош шифокори

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИҢГ!

**146- АСТРОБОД**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**АБДУЛЛАЕВ ИЛҲОМ ЗОИРОВИЧ**

1965 йил 18 майда Туркменистон Республикаси, Чорқўй шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: математика ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**147- ТУҚИМАЧИ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**АКРАМОВ МУЗАФФАР МАХКАМОВИЧ**

1985 йил 2 августда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: савьятшунос-журналист, театрийнос

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенашининг ширко аппарати раҳбари

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**148- КЎКЧА**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**БАБАЕВ КАРИМЖОН НАБИДЖАНОВИЧ**

1968 йил 26 октябрда Андижон шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: муҳандис-иқтисодчи, ҳуқуқшунос

“Алком” АЖ сугурта компанияси Бош директори масъалачиси

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**149- ҚўЙЛИҚ**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ХАШИМОВА НАИМА АБИДОВНА**

1967 йил 19 июнда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: иқтисодчи-муҳандис

Тошкент давлат тиббиёт университети “Савоат иқтисодий” кафедраси мудири

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

**150- ШАҲАХОНТОХУР**  
САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД

**ТУРСУНОВА ГУЛЧЕХРА ХОЖАҚАБАРОВНА**

1966 йил 27 июлда Тошкент шаҳрида туғилган

Мутахассислиги: автомобиль транспортини ташкил этиши ва иқтисоди

“Экспропантехника” давлат унитар корхонаси илмий ишлаб-чиқариш маркази бош директори ўринбосари

**БИРМИЗ!**  
Қўлни қўлга  
БЕРАМИЗ!

## Ҳамид Олимжоннинг 110 йиллиги



Буюк шоир ва давлат арбоби Ҳамид Олимжоннинг 110 йиллиги муносабати билан Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабига буюк шоир, давлат арбоби Ҳамид Олимжон ва атоқли шоира Зулфияхонимнинг келини тиббиёт фанлари номзоди, ёзувчи Риояхон Олимжон ва Ҳамид Олимжоннинг набираси Отабек Олимжон ҳамда Ҳулқар Олимжоннинг қизи ўзбек адабиётининг забардаст адаби Ойбек ҳамда кимё фанлари академиги «Ойбегим менинг» хотира китоби муаллифи Зарифа Саидносированинг набираси тарихчи таржимон Лола

Муҳиддинова ташриф буюрди. Маънавий-маърифий тадбирда Риоя Олимжон ва Ҳулфияхонимдан шоир Ҳамид Олимжон ҳақида эшитган хотираларини ўқувчиларимизга сўзлаб берди. Зулфияхонимнинг Ҳамид Олимжонга бўлган муҳаббати ва садоқати рамзи бўлган биттиклари ҳамда шеърларидан ўқиб бердилар. Зулфияхонимни шоира, давлат арбоби сифатида танийдиган адабиёт ихлосмандлари бугунги учрашувда Зулфияхонимни садоқатли рафиқа, муноси она, меҳрибон қайинона, невараларининг ардоқли буви-

жониси сифатида янада яқинроқ таниб олишди. Риоя Олимжон ва Ҳулфияхонимларга олима аёл сифатида келажакда аёло баҳоларга ўқишида, илм чўққиларини эгаллашида зарур бўладиган маслаҳатларини берди. Мактаб-интернат ўқувчиларининг Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳаёти ва ижодига доир саволларга хотиралари асосида жавоб берди. Лола Муҳиддинова ўз нутқида болалари ва бувилари, яъни, Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним, Ойбек ҳамда Зарифа Саидносировалар ҳақида тўққинлаиб ўқувчиларга хотираларини

улашди. Ҳамид Олимжоннинг шеърларидан намуналар ўқиб, ҳар бирининг тарихига тўхталиб қимматли маълумотлар берди. Ўқувчилар Ҳамид Олимжон шеърлари ва асарларидан намуналар ўқиди. Мароқли ва мазмунли ўтган учрашув ўқувчиларимизнинг бой маънавий меросимизни ўрганишга, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга дастуруламал бўлади.

**Турсун MATҲОЛИҚОВА**  
Ҳалима Худойбердиева  
номли ижод мактаби  
ўқитувчиси

✓ Бундай «дўст»ларимиз учун энг камида ишдан «ҳайдалиш куйи чалинса» мақсадга мувофиқ бўларди. Жарима-парималар қўлланиши эса солиқ тизимидагилар учун у қадар жиддий чора эмас.



**Инсофсиз учун касб-корнинг аҳамияти йўқ экан**

Чекка ҳудудларда газ, электр токи ва ичимлик суви муаммолари қалқиб чиқаётган бир пайтда элу юртга хизмат қилиб, аҳоли дуосини олиши шарт бўлган мутасаддининг халқ мулкига кўз олайтирганига ишониш қийин, албатта. Аммо «ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек», бундай шумхабар «овози»ни ўчиришининг ҳам иложи бўлмай қолди. Акс ҳолда...

Маълум бўлишича, Хўжайли тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўз уйига ноқонуний йўл билан газ ўтказиб олган. Солиқчилар «доҳий»сининг бундай «миллатпарвар»лигини эса МИБ ходимлари илғаб қолганлар.

Ҳозирча ушбу мутасаддига қандай чора кўрилгани ҳақида маълумот йўқ.

Аммо фикримизча, бундай «дўст»ларимиз учун энг камида ишдан «ҳайдалиш куйи чалинса» мақсадга мувофиқ бўларди. Жарима-парималар қўлланиши эса солиқ тизимидагилар учун у қадар жиддий чора эмас. Яна билмадик...

**Назм бекати**

Аргумчоқлар учгин, камалак билан,  
Гир айлан, рақс туш, капалак билан,  
Яшасанг, яша, фақат, жон ҳалак билан,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Эртани ўйламоқ сен учун эмас,  
Утганга йиғламоқ сен учун эмас,  
Жазони қўлламоқ сен учун эмас,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Этагингдан шамол ўтдимди, басдир,  
Тириклик олдида ҳар неки, ҳасдир,  
Бошинг омон бўлса, тоғлар ҳам пастдир,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Ота-онанг қайтмади, сен ҳам қайтмассан,  
Бу олам тубига сен ҳам етмассан,  
Ки, Навоий айтмади, сен ҳам айтмассан,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Нухдайин умр кўрмоқ истасанг ҳам – шу,  
Вақтнинг тулпорини қистасанг ҳам – шу,  
Яхши ном олсанг ҳам, олмасанг ҳам – шу,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Эй, Фарид, лаҳзалар, шукри-ла, яша,  
Бу дунё байрамдир, қилгин, тамоша,  
Ошиқ номинг қолар асрлар оша,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Ўзасининг гулларини ўпади ўзбек,  
Қўзичоғин кўзларини ўпади ўзбек,  
Фарангиваш сатангларнинг бармоқларинмас,  
Отасининг ўнгирини ўпади ўзбек.

Тол экади, тут экади, экар терақлар,  
Уй куради боласининг болаларига,  
Қўш боқади, қурт боқади, юрт боқар ўзбек,  
Таъзим қилар, сажда қилар оналарига.

У хар йили даҳо туғар, авлиё, шоир,  
Буюқларни бераверар жаҳонга бот-бот,  
Ва индамай яшайверар қилмай иддао,  
Томирида оқаверар мурувват, сабот.

Ҳей, сен, дунё, танимасанг таниб ол, уни,  
Ҳа, бу шундай ўлка эрур, полазор томи.  
Ер шарида бу юрт борки, мангу, муқаррар,  
Эли эса ўзига бек, ЎЗБЕКдир номи!

Эй дўст,  
Нима десанг, дегил, шу бугун,  
Юрагингда қолмасин туғун,  
Армон узун, надомат узун,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

Айт, айтақол, айтавер, шошил,  
Туқил бугун, тариқдай сочил,  
Гафлат қотил, пушаймон қотил,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

Эй, ёр!  
Айтарингни тутмагил, пинҳон,  
Севаман, де, ёлворгин нолон,  
Ишқдан бошқа ҳаммаси ёлгон,  
Эртага бузунни топиб бўларму?!

Ҳижолатнинг умри куроқдир,  
Гумондорнинг жони қийноқдир,  
Андишанинг оти кўрқоқдир,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

Эй дўст!  
Кел, ёнимга гул очса чирой,  
Этакларинг кўзимга сурай,  
Сен келмасанг, мен ўзим бораёй,  
Эртага бузунни топиб бўларму?!

Кел, елкада тоғинг билан кел,  
Ҳазоррвзги боғинг билан кел,  
Дилда ҳасрат, доғинг билан кел,  
Эртага бузунни топиб бўларму?!

Эй ёр!  
Ҳар коримиз тақдир азалдир,  
Лабингда қон ёҳуд асалдир,  
Тамшанганинг балки ажалдир,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

Фарид Афрўз, бугунингни куч,  
Ҳар лаҳзага тутолгин ҳовуч,  
Бугун яша, топа олгин куч,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

**Ҳафта фотоси**



«MILLIY TIKLANISH» демократик партияси аъзоси Эркинжон Турдимов ўз шогирди – Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов билан.

**Бир оз латифа**

Эй Худо! Ўзимга сўрамаяпман, хотинимга эсли-хушли, доно, соҳибжамол ва 50 кг. дан ошмаган бир кундош бергин.

**Спорт**

**МЕССИДА ОЛТИТА «ОЛТИН ТЎП»**



«Барселона» ҳамда Аргентина миллий жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси «France Football» томонидан ўтказилган 2019 йилги «Олтин тўп» совринига муносиб кўрилди. Бу Леонинг фаолиятидаги олтинчи «Олтин тўп»дир.

32 ёшли аргентиналик футболчи овоз бериш натижаларига кўра «Ливерпуль» ҳимоячиси Виржил ван Дейк ва «Ювентус» ҳужумчиси Криштиану Роналдуни орта қолдирди.

Эслатиб ўтамиз, Месси сентябрь ойи охирида ФИФА томонидан 2018/2019 йилги мавсумнинг энг яхши ўйинчиси – The Best совринига ҳам лойиқ кўрилган эди.

«Олтин тўп - 2019» сўровномасининг учлик рейтинг куйидагича:

1. Лионель Месси (Аргентина, «Барселона»)
2. Виржил ван Дейк (Нидерландия, «Ливерпуль»)
3. Криштиану Роналду (Португалия, «Ювентус»).

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Абдулазиз АККУЛОВ,  
Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Акмал САИДОВ,  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Аброр ПЎЛАТОВ,  
Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,  
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,  
Амриддин БЕРДИМУРОВОВ, Шавкат ШАРИПОВ,  
Ортиқали ҚОЗОҚОВ.

Бош муҳаррир:  
Миролилл АБДУРАҲМОНОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
Тошкент- 100000, Амвир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
(0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,  
Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41,  
Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари:  
234-87-74,  
Бухгалтерия: 234-87-73.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Навбатчи муҳаррир:**  
Равшан МАХМУДОВ  
**Навбатчи:**  
Муҳайё НУРМЕТОВА  
**Дизайн:**  
Мазмурдон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:  
gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

Газета «SHARQ» нашриёти-маъбава акциядорлик компаниясида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Газета ҳафтаининг чоршанба кунин чиқади.  
Алади – 25 020.  
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
Ҳажми: 4 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими: 350x587  
Буюртма – 1226  
Босишга топширини вақти 21.30. Топширилди 3.10

123456